Adabiyot yashasa — millat yashaydi

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ / Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan / www.uzas.uz / 2017-yil 28-iyul №31 (4430)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз билан учрашиш мен учун катта шараф бўлди. Сизга, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига яқинда мамлакатингизга ташрифим чоғида кўрсатилган юксак меҳмондўстлик ва самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Учрашувимизда Сиз баён қилган ва Сизнинг ташаббусингиз билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича дастурингиз менда катта таассурот қолдирди. Мазкур ҳужжат БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари ва 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастури билан ҳамоҳанг бўлиб, Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Сизнинг қўшни давлатлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлайман. БМТ Сизнинг ҳукуматингизни умумий мақсадларимизга, жумладан, Барқарор тараққиёт мақсадларни амалга ошириш, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва превентив дипломатияни ривожлантириш борасидаги мақсадларга эришиш учун қўллаб-қувватлашга тайёр.

Сиз ва ҳукуматингизга БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказини тўла қўллаб-қувватлаётганингиз ва ҳамкорлик қилаётганингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Марказий Осиёга ташрифимнинг асосий мақсадларидан бири бўлган Нукус ва Мўйноққа боришимга кўмаклашганингиз учун алоҳида ташаккур билдираман. Орол денгизи тезлик билан қуриб бораётгани мени қаттиқ ташвишга солди ва бу фалокатдан азият чекаётган аҳоли билан учрашувдан ғоят таъсирландим. Ишонтириб айтаманки, БМТ Сизнинг ушбу фожиа оқибатларини бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр.

Ҳукуматингиз ташрифим давомида кенг логистик ёрдам кўрсатгани сафарим муваффақиятли ўтишида муҳим роль ўйнади. Бунинг учун ҳам миннатдорлик изҳор этаман.

Буюк ипак йўлининг дурдоналаридан бўлган гўзал Самарқандни яна бир бор кўрганимдан беҳад хурсандман. Маданиятлар чорраҳасида жойлашган бу шаҳарнинг кўп асрлик тарихи ва серқирра маданияти бугун ҳам бутун дунё учун намуна бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТ билан ишончли ҳамкорлик қилаётгани учун ташаккур билдираман ва Ўзбекистон халқининг манфаати йўлида ҳамкорлигимизни давом эттиришимизни сабрсизлик билан кутаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Самимий ва эзгу тилаклар билан,

Антониу ГУТЕРРИШ,
БМТ Бош котиби

Бобур ПЎЛАТОВ олган сурат.

Темурбекнинг авлодлари илм истанг...

МАМЛАКАТИМИЗДА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИ ХОТИРЛАШ ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун – Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.

Миллий урф-одатимизга биноан ушбу маросимларда элга ош тортилди. Биринчи Президентимиз хотирасига Қуръон тиловат қилиниб, дуои фотиҳа ўқилди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай маросимда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Хотира тадбирларида ватандошларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш борасидаги буюк хизматларини яна бир бор эсга олдилар.

Халқимиз ўзининг истиқлол йилларида эришган барча оламшумул ютуқлари ва натижаларини ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблайди. Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида ҳам катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди.

Ислом Каримов 1991 йил 31 август куни Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди ва ғоят қалтис, таҳликали бир вазиятда оғир қийинчилик ва синовларга қарамасдан, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислом Абдуғаниевич ўз фаолияти, бутун онгли ҳаётининг маъно-мазмуни бўлган "Биздан озод ва обод Ватан қолсин!" деган эзгу ғояни илгари сурди ва бу шиор барчамизнинг, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олди. Улуғ Йўлбошчимиз ана шу буюк вазифани ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам шараф билан адо этди, бу йўлда беқиёс куч-ғайрати ва ақл-заковатини, керак бўлганда, ҳатто азиз жонини ҳам аямади. У бутун умр "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" деган даъватга амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратиб кетди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича ўтган давр мобайнида юртимизда катта ишлар амалга оширилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Биринчи Президентимиз сиймоси тасвирланган ҳайкалларни яратиш, улуғ Йўлбошчимиз хотирасини абадийлаштириш, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш бўйича муҳим қарорлари қабул қилинди.

Юртимизда Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги йирик муассаса ва объектлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номи берилди.

Яқин вақт ичида пойтахтимиздаги Оқсарой қароргоҳида Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа, Самарқанд шаҳридаги Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда мақбара, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Биринчи Президентимизнинг муҳташам ҳайкаллари тантанали равишда очилиши кутилмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдоди, доимо узоқни кўзлаб иш юритиши, донишмандлик, мардлик ва олижаноблик фазилатлари билан барчамиз учун эл-юртга чексиз меҳр ва садоқат тимсоли бўлиб қолган Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси халқимизни доим юксак мақсад ва марралар сари руҳлантиради.

ЎзА

АЖДОДЛАР МЕРОСИ ИЗИДАН

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини ўқиб, дунё бўйлаб сочилиб ётган бебаҳо маданий меросимиз ва уларни излаб сафарга чиқишни орзу қилганим ёдга тушди. Фақат "ёдга тушди"гина эмас, боболаримиз мероси изидан хориж сафарига чиқиш ниятим янада қатъийлашди.

Она юртим — олтин бешигим

Президент қарори билан танишар эканман, буюк Соҳибқирон-нинг табаррук буюмлари ва маданий мероси, оламшумул алломаларимизнинг ноёб китоблари кўз олдимда нурланиб, жилваланиб тургандек бўлди. Дунё бўйлаб уларни дараклаш, ўрганиш ва имкон қадар она юртга, авлодларга қайтариш – чин ватанпарварлик, шарафли вазифа эканлигини чуқур ҳис этдим.

Темурийлар тарихи давлат музейининг бурчагида, ойна остида бир сурат бор. Унинг тагида қисқагина изоҳ ёзилган: "Амир Темурнинг қиличи". Бу сурат, тўғрироғи, фотосуратда оддийгина ишланган, бироз хира ва ҳатто тўлиқ эмас: унда димашқий қиличнинг сопи ва бир қаричча қисми акс этган, холос. Дафъатан шундай бир фикр уйғонади: бу қилич, фототасвирга олинганига қараганда, демак, ҳозир ҳам бор экан-да!

Соҳибқирон бобомизнинг қиличи ҳозир қаерда?

Улуғ аждодимиз илкида ўйнаган бу табаррук қиличнинг тақдири жуда таассуфли. Бу қилич улуғ бобокалон учун бошқа жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, фақат уруш қуроли бўлмаган! Таъбир жоиз бўлса, уни омонлик ва тинчлик гарови, адолат шамшири дейиш мумкин. Ровийлар фикрича, бу табаррук қилич қайси юртда сақланса, ўша ерда куч-қудрат, осойишталик, тўкинлик ва адолат устувор бўлади!

Давоми иккинчи саҳифада.

ҲАЙРАТ ВА ШУКРОНАЛИК

Эътибор ҳамиша инсон кўнглини тоғдек кўтаради, руҳига мадад, дилига қувват ва илҳом бахш этиб, янги-янги эзгу ишларга чорлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, оддий меҳнаткаш халқнинг фикрини олиб, айни пайтда, дардига малҳам бўлиб иш кўраётгани мамлакат вилоятларига қилаётган ташрифлари чоғида яққол намоён бўлмоқда.

Айниқса, Тошкент вилоятига ташрифларида кўзланган мақсаднинг улуғворлиги, вилоятимиз порлоқ истиқболини ўйлаб қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ҳаётийлиги, маҳалла фаоллари, нуроний-лар билан бўлган суҳбатлардаги самимият бутун Тошкент вилояти аҳли қатори биз ижодкорларни ҳам бениҳоя тўлқинлантирди.

Вилоят фаоллари билан бўлган йиғилишда Юртбошимиз Жиззах вилоятининг Зомин туманида юз ўринли, Тошкент вилоятининг Паркент туманида эллик ўринли сиҳатгоҳлар қурилиб, юртимиз ижодкорларига берилиши ҳақида гапирганида, рости, ҳайрату қувончимизни яширолмадик.

Шуни ифтихор билан айтамизки, мамлакатимизда барча соҳалар қатори олис ва яқин хорижий давлатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш ва янги босқичга кўтариш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг Туркманистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистони каби мамлакатларга амалга оширган ташрифлари бу борада янги уфқ ва имкониятлар очгани барчамизга яхши маълум.

Айниқса, дунёнинг ривожланган мамлакатларида турли соҳаларда эришилаётган ютуқ ва тажрибаларни ўрганиш, уларнинг турмуш тарзи, қадриятлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш йўналишларида қандай янгиликларга эришаётганидан хабардор бўлиш, бир сўз билан айтганда, жаҳон аҳли билан бўйлашиб яшаш бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Юртимиз фермер ва тадбиркорлари ҳам ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда турли давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, илғор янгилик ва натижаларни ўз фаолиятида изчил жорий этмоқдалар. Ўтган йили бир гуруҳ фермер ва тадбиркорлар Европанинг Италия, Швейцария, Бельгия, Голландия, Франция, Германия, Польша каби давлатларида бўлиб, тажриба ўрганиб қайтишди.

Шукрки, бир ижодкор сифатида улар сафида бўлиш менга ҳам насиб этди. Сафар таассуротлари асосида ёзган публицистик рисоламда инсоният эришган бугунги тараққиёт манзаралари, кўҳна қитъага хос қадриятлар, боқий анъаналар, ишбилармонлик тажрибаси, айни пайтда, Ватан соғинчи, юрт қадри, миллат ғурури, маънавий поклик борасида баҳоли қудрат фикр билдирдим.

6

"O‘zbekiston – 24" ДУНЁ АХБОРОТ МАКОНИДА

Шу йилнинг 24 июл санаси яна бир муҳим воқеа билан тарих саҳифаларига муҳрланди. Кечаю кундуз фаолият олиб борадиган "O'zbekiston – 24" ахборот-таҳлилий телерадиоканали ишга тушиши муносабати билан миллий ахборот маконимиз жуғрофияси янада кенгайди. 24 соат мобайнида тўғридан-тўғри эфирга чиқадиган телерадиоканалда мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган энг муҳим воқеалар, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги янгиликлар, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг долзарб масалалари кенг қамраб олинади. Миллий матбуотимиз тизимидаги изчил ислоҳотлар самараси сифатида иш бошлаган янги телерадиоканал узлуксиз фаолият олиб бориши билан турли қатламдаги томошабину тингловчиларнинг тезкор ва холис ахборотга бўлган эҳтиёжини тўкис қаноатлантиришга хизмат қилади.

Янги телерадиоканал фақат ахборот-таҳлилий кўрсатув ва эшиттиришлар билан чекланиб қолмайди. У миллий тарих ва миллий адабиёт, санъат ва ҳунармандлик, меъморлик ва бунёдкорлик дурдоналарини яратган, боғ яратиш ва ҳарбу зарб санъатини ҳадди аълосига етказган халқимиз маънавий меросининг ўзига хос тарғиботчиси сифатида ҳам бугун ўзлигини ва дунёни билишга ҳар жиҳатдан эҳтиёжманд навқирон ёшлар онг ва шуурини кенгайтириб, дунёқарашини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Бизни, айниқса, янги телерадиоканалнинг илк кундаги чиқишларидан бошлаб миллий адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк сиймолар ижодига эътибор қаратгани, хусусан, унутилмас шоирларимиз Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаёти ҳақида кўрсатув тайёрлангани ниҳоятда мамнун этди. Ўйлаймизки, бундай кўрсатувларнинг мазмун ва мундарижаси янада бойиб, теран моҳият касб этиб боради.

Муборак бўлсин!

Янги телеканалнинг илк кунги кўрсатувларида янгиликлар дастуридан ташқари канал ҳаётидан лавҳалар, ТАСС, «Онадўли» каби халқаро ахборот агентликлари, мамлакатимиз ва хориждаги турли соҳаларнинг таниқли вакилларидан интервью ва табриклар ҳам эфирга узатилди. Мамлакатимизда миллий тараққиётнинг янги босқичи тақозо этаётган ижтимоий ислоҳотлар натижаси сифатида майдонга келган "O'zbekiston – 24" ахборот-таҳлилий телерадиоканали амалда сўз эркинлиги таъминланишини намоён этмоқда. Бу жараён сўзсиз мамлакат ҳаётидаги кўплаб муаммолар ечим топишида муҳим аҳамият касб этади. Янги телерадиоканал директорининг биринчи ўринбосари Раҳимжон Маҳкамовнинг таъкидлашича, энг сўнгги медиатехнологиялар, замонавий стандартлар ва ижодий ёндашувларни жорий этиш орқали теледастурларнинг юксак профессионал ва бадиий даражасини таъминлашга ҳаракат қилиняпти. Асосий вазифа – мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсат масалалари бўйича объектив ва принципиал нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда замонавий тенденциялар, воқеа ва ҳодисаларга ўз вақтида ва тўғри муносабат билдиришдан иборат. Бунда давлат идоралари ва ташкилотларининг аҳоли билан бевосита очиқ мулоқотни йўлга қўйишига кўмаклашилади. Фуқароларнинг энг муҳим муаммолари ва жойлардаги долзарб масалалар муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш учун шарҳловчилар, экспертлар ҳамжамияти ва академик доиралар вакиллари жалб этилади.

"O‘zbekiston – 24"нинг барча вилоятларимизда ўз мухбирлик бўлимлари очилган. Айни чоғда, янги телерадиоканалнинг хорижда ҳам мухбирлик бўлимлари ташкил этилиб, махсус мухбирлар дунёнинг тўққиз мамлакатидан янгиликларни тўғридан-тўғри эфирга узатиш имконига эга бўладилар. Бунинг учун "O‘zbekiston – 24" таҳририятида икки юз элликдан зиёд профессионал ижодкорлар фаолият олиб бормоқда.

Буюк бунёдкорлик мўъжизаларини яратаётган халқимиз билан ҳамнафасу ҳамқадам бўлиб, одамларнинг маънавий эҳтиёжларига муносиб ижод намуналари яратишнинг ҳамиша қадри баланд. Биз миллий ахборот маконимизга кириб келган янги телерадиоканалнинг ижодий жамоаси, барча ҳамкасбларимизга бу борада муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Қадаминг қутлуғ келсин, "O‘zbekiston – 24" телерадиоканали!

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ижодий жамоаси.

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги олдидан

ОБОД БЎЛУР БАҲОРИМИЗ, БОҒИМИЗ

Таниқли адибнинг «Кашмир қўшиғи» асари биринчи марта 1956 йили «Шарқ юлдузи» журналининг 10-сонида босилиб чиқди ва 1957 йили алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди.

Ш.Рашидов 1955 йили ҳукумат делегацияси таркибида Ҳиндистонга боради. Шу сафар таассуротлари асосида «Кашмир қўшиғи» вужудга келади. Муаллиф бу асарнинг туғилиши ҳақида шундай ёзади: «Ушбу қисса Кашмир халқининг қадимий севги достони асосида ёзилди. Бу достонга талантли шоир, композитор ва ўқитувчи Дина Натҳ Надим музика яратган. Шу ажойиб достонни яхши биладиган кашмирликлар билан қилинган суҳбатлар мени бу қиссани ёзишга илҳомлантирди».

Кўҳна дунёда машҳур санъаткорларнинг деярли барчаси халқлар кўз қорачиғидай асраб келган, авлод-аждодлар бутун меҳр-муҳаббати билан эъзозлаб юрган ажойиб достонларга мурожаат қилганлар, уларнинг олам-олам мазмунига, сеҳрли дунёсига мафтун бўлганлар. Ниҳоят, халқнинг бундай маънавий бойликларидан, яратган мўъжизаларидан илҳомланиб, адиблар шу асосда янги асарлар битишга журъат этганлар. Бу янги асарларда санъаткорларнинг яшаган даври, замон руҳи, қалб амри ҳам ёрқин кўринган. Шу боисдан ҳам санъаткор Кашмир халқининг севги достонини қалб амри билан ичдан нурлантириш, ҳозирги даврнинг теран ва шиддатли оқими билан ёрқин гавдалантиришга ҳаракат қилган. Шунга мувофиқ шоир Наргиз билан Бамбурнинг афсонавий муҳаббати ҳикояларига реалистик руҳни сингдириш йўлларини топади ва икки ёш қалбнинг қовушишига ғов бўлган нуқталарни кенгайтириш усулларини қидиради, ниҳоят, уларни янада қабартиб ифода этишнинг хилма-хил бадиий воситаларини қўллайди.

«Кашмир қўшиғи» қиссасидаги воқеалар йўналиши асосан шундай: гўзаллик тимсоли Наргиз билан баҳодир Бамбур бир-бирларини севадилар. Улар ўртасида, одатдагидек, қоработирлар — Бўрон ва Ҳоруд пайдо бўлади. Охир-оқибат ёвузлар таслим бўладилар, севишганлар эса ғолиб. Бундай афсонавий воқеалар, севишган қаҳрамонларнинг ёвуз кучларга қарши кураши асрлар мобайнида куйланиб, муайян бир йўналишга айланган. Бу жиҳатдан «Кашмир қўшиғи» ҳам уларнинг оддий бир давоми сифатида кўриниши, янгилик эмасдек туюлиши мумкин. Лекин синчиклаб қаралса, унда принципиал фарқ қиладиган ажойиб манзараларни кузатиш мумкин. Бу, энг аввало, санъаткорнинг кўҳна афсонавий воқеалар йўналишига бутунлай янги мусаффо тўлқин олиб кирганида кўринади. Натижада севги достони мазмуни беқиёс даражада теранлашади. Наргиз билан Бамбур севги-муҳаббати кўҳна анъанавий доирадан чиқади, яъни у чинакам эркинликка, озодликка эришиш йўллари билан уйғунлашадиган моҳият касб этади. Айни вақтда Наргиз, Бамбур, уларнинг сафдошлари билан Бўрон, Ҳоруд орасидаги зиддиятлар ғоят кескинлашади, кучли социал конфликтнинг юқори чўққисига кўтарилади. Қисқаси, Ш. Рашидов Кашмир халқининг қадимий севги достони асосида XX асрдаги нур ва зулмат дунёсининг кескин, шиддатли курашини ифодалаш йўлини топишга муяссар бўлади.

Асар муқаддимасида муаллиф «чўққилари осмон билан ўпишган тоғлар этагидан қайнаб чиққан зилол сув»дан ирмоқлар пайдо бўлиши, ирмоқлардан эса «улуғ дарёлар ҳосил бўлиши» ҳақида жўшқин эҳтирос билан шундай ҳикоя қилади: «Кеча-кундуз тиним билмаган бу дарё ҳамиша тўлқин уриб оқади, йўл-йўлакай сувига сув, кучига куч, қудратига қудрат, чиройига чирой қўшилиб, элни баҳраманд қилади. У ўзининг ҳаётбахш суви билан чечаклар ва экинларнинг, дарахтлар ва ўсимликларнинг томирига ризқ беради, япроғига япроқ, ғунчасига ғунча, шонасига шона, новдасига новда, гулига гул, ҳосилига ҳосил, ҳуснига ҳусн қўшади-да, меҳнатсевар эл қалбини умид ва севинч билан тўлдиради». Тўғри, бу ўринда китобхон нигоҳи, биринчи навбатда, ана шу табиат манзарасига тушади. Лекин худди ана шу лавҳасиз асарнинг бутун руҳини тушуниш мумкин эмас. Чунки бу лавҳа асардаги бутун воқеаларни ва қаҳрамонлар интилишини ичдан нурлантирувчи асосий нуқтадир. Шу боисдан, санъаткор шиддатли дарёлардек тўхташни билмайди, «Кашмир халқининг қадимий севги достони ҳам худди тўлқинли дарёларни эслатади», деб буни алоҳида таъкидлайди.

Асарнинг айрим ўринларини ва қаҳрамонларини эслаб ўтайлик. Қиссадаги асосий образлардан бири «эрта баҳорнинг тўнғич гули — Наргиз». Гуллар боғида энг олдин очилган ва «ўз чиройи билан оламга шуҳрат ёйган гўзал» Наргизнинг қиёфаси ва руҳий товланишларини муаллиф нозик бўёқлар билан шундай чизади:

«Мана, у оқ шоҳи кўйлаги устидан зангор бахмал нимчасини кийиб олган, бошига эса очилган гулнинг барча гўзаллигини акс эттирувчи кичкина, шинам ва оппоққина дурра ўраган. Қулоқларига эндигина очилган гулдан исирға тақиб, ясаниб, ёшлик ва гўзаллик севинчлари, орзу-умидларига маст бўлиб, гуллар боғида товланиб турибди. Аммо унинг тимқора кўзлари маъюс: кимнидир соғинади, кимгадир интизор, қалбида муштоқлик *ўти* тобора авж олади, бағри ўртанади, унинг ёқимли куйи булбулларнинг, барча қушларнинг қўшиқларига жўр бўлиб, мусаффо тонг қучоғига, поёнсиз водийга тарқалади. Наргиз олислардан ёринг йўлига кўз тикиб куйларкан, унинг куйи бошқа барча севгучилар куйидан нафисроқ, сўлимроқ, ёқимлироқ янграйди».

Кашмирни гўзаллар, гуллар макони, дейишади. Гуллар боғининг тўнғич гули — Наргизни санъаткор ҳаёт ва гўзалликнинг, вафодорликнинг тимсоли сифатида кенг талқин қилади. Унинг ташқи қиёфаси билан руҳий товланиши — чизилишида нозик бўёқларнинг бир-бирига уйғун келиши сезилади. Бу уйғунлик образни жонли ва яхлит гавдалантиришга имкон берган.

Ўз ижодини шеърдан бошлаган Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари унинг поэтик оламини рўй-рост намоён қилди. Бу асар насрдаги поэзиядир. Унда афсона ва ривоятларнинг ранг-баранг шакллари мавжуд. Мажоз, символ, ташбеҳлар тиғиз, публицистик эҳтирос ғоят кучли. Харсангтошга суянган Наргиз баланд ва ёқимли овоз билан севгилиси Бамбурни куйлайди. Бундан боғдаги барча гуллар огоҳ бўлишади ва Наргиз севимли ёрини излаб тополмаганидан, шунинг учун алам чекаётганидан изтиробга тушади. Ниҳоят, Наргиз Бамбурни умрбод излашга қатъий аҳд қилади.

Санъаткор эўр эҳтирос билан Наргизнинг рақсга тушиши, севги ҳақида қўшиқ айтишини, бутун руҳи ва жисми билан севги машаққатларини енгишга интилишини ифода этиш санъатини намоён қилади. Жами гуллар, куй садоларини эшитиб, узоқ-узоқлардан келган қишлоқ қизлари ҳам Наргизга жўр бўладилар,

Тасвирлар ҳам кучли туйғулар ҳаяжони билан битилади. «Асл дўстлар гўзал Наргиз атрофида парвона бўладиётган, севги ва ёшлик ўйинлари авжга минган бир пайтда» ўз қаҳрини, заҳрини сочиб Бўрон келади. Қора кучлар, офат тимсоли бўлган Бўрон билан Ҳоруд даҳшати ғолиб келади. Гуллар боғи «тап-тақир ер, саҳрога» айланади. Ваҳшийлик, офат, касофат ҳукмрон бўлиб қолади. Лекин бу ҳукмронлик вақтинча эди. Чунки ҳаёт тўхтамас, янги кучлар қудрати билан турмуш оқими шиддатли бўлиб бораверарди. Баҳор эркатойи — Гуллар боғининг кўрки, севинчи Наргиз дугоналаридан ҳол-аҳвол сўрайди ва уларни қора кучлар тимсоли бўлган Бўрон, Ҳорудга қарши курашда бирлашишга чақиради. Улар жўр бўлишади.

Наргиз:
— Дутоналар, омонмисиз, бормисиз, Жам бўлишиб, очилиб, гулзормисиз?
Лола:
— Ҳеч қандай куч бизни хазон этолмас. Бўрон, Ҳоруд муродига етолмас!
Атиргул:
— Обод бўлур баҳоримиз, боғимиз, Ёв енгилсин, бош бўлинг, ўртоғимиз!
Наврўзгул:
Қора кучлар гулистондан қувилсин, Гуллар барги шабнам билан ювилсин!
Наргиз:
Душман ўлсин, боғимиз обод бўлсин, Бирлашайлик, дўстларимиз шод бўлсин!

Шундай қилиб, «Кашмир қўшиғи» асарида Шароф Рашидов «Оламда инсон қўли билан яратилган қанча гўзаллик, табиатда қанча бойлик ва чирой мавжуд бўлса, буларнинг барчасини ютиб юбораман, деб ҳамла» қилиб келаётган Бўрон, Ҳоруд тимсолидаги қора кучларни лаънатлайди...

Анқабой ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

АЖДОДЛАР МЕРОСИ ИЗИДАН

Бошланиши биринчи саҳифада

Лондондаги машҳур Британия музейида “Амударё хазинаси” номли кўргазма бор. Уни кўриш учун бутун дунёдан сайёҳлар оқими узилмайди, шу боис кўргазмани пул чоп этувчи дастгоҳга қиёслашади (“Амударё хазинаси”дан намуна кўрмоқчи бўлсангиз, 100 сўмлик миллий валютамизга қараш кифоя, унда ўша хазинадаги олтин билагузук тасвири туширилган).

Турли сабабларга кўра дунёга сочилиб кетган, энг нуфузли музейлар хазинасини безаган маданий бойликларимизнинг сон-саноғи йўқ. Шундай ноёб ашёлар нафақат халқимиз маданиятининг нодир дурдоналари, балки жаҳон миқёсидаги йирик коллекциялар ҳисобланади. Ушбу маданий мерос ёдгорликларини аниқлаш ва тадқиқ этиш, имкон қадар мамлакатимизга олиб келиш юзасидан кейинги йилларда муайян ишлар қилинди. Аммо бу ишлар бамисоли денгиздан томчи эканлиги аён бўляпти. Айтишларича, биргина Самарқандда етишиб чиққан алломаларнинг рўйхати 50 та китобга сиғмас экан. Бу алломаларнинг илмий мероси сақланганми, ҳозир қаерда? Бу бойликлар қийматини олтину жавоҳирлар билан ҳам баҳолаш мушкул. Нобел мукофотига сазовор бўлган Кью-рилардан бири шундай деган: “Кордовада минглаб қўлёзмалар аёвсиз ёндирилди. Шулардан тўрттаси тасодифан бизгача етиб келган экан. Биз уларни тадқиқ қилиб ўрганганимизда, топган кашфиётларимиз уч бора Нобел мукофоти олишни таъминлади”.

Дунёнинг турли бурчакларида сақланаётган китоблар орасида Хоразмий, Фарғоний, Насафий боболаримиз, Беруний ва Ибн Сино ҳазратларининг китоблари йўқмикан? Балки улар ўз тадқиқотчилари ва янги Нобел мукофоти номзодларини кутиб ётгандир? Энг замонавий ахборот технологиялари фани – кибернетиканинг пойдевори Муҳаммад Хоразмийнинг “Алжабр...” асари эканлигини бутун дунё тан олади-ку! Маълумки, Кордова (Қуртоба) 711 йилда араблар томонидан фатҳ этилган ва 755-1031 йилларда халифалик пойтахти бўлган. Шу йилларда бутун дунёдан, жумладан, Мовароуннаҳрдан йиғиб келтирилган қўлёзма асарлар бу ердаги илмий марказларда ўрганилган, лотин ва бошқа тилларга таржима қилинган. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли Оврўпода алоҳида фанлар — астрономия, география, физика, медицина ривожланган, дастлабки университетлар очилган.

Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ўн беш йиллар муқаддам “Соҳибқирон ва жаҳон” деб номланган илмий-ижодий сафар режасини тузган эдим. Очиғи, тирикчиликнинг авжи “жанг” палласида дабдурустдан, якка ўзинг, боз устига “велосипедда дунё бўйлаб илмий-ижодий сафарга чиқаман”, деб турсанг, буни ким қандай тушунади? Ҳеч бўлмаганда, бизнес сафари ёки шунчаки, хорижга сайру саёҳат дейилса, бошқа гап. 2008 йилда, ҳали сафарга чиқмай туриб, унинг “таассуротлари” ҳақида “Сафар олдидан сафар” номли китобим чоп этилди. Мана энди, Президентимиз қароридан руҳланиб, ушбу сафарга доир режаларимни баён этмоқдаман.

Сафар йўналиши ҳазрат Соҳибқирон салтанати таркибига кирган ва унинг сиёсати етган барча мамлакатлар бўйлаб босқичма-босқич ёки бир йўла амалга оширилиши мумкин. Йўлда турли тўсиқлар, ҳатто хавф-хатарлар учраши табиий. Буюк бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратлари битта саҳиҳ ҳадисни ёзиб олиш учун Шому Ироқ каби узоқ ўлкаларга отланганлар, хавф-хатардан чўчимаганлар. Негаки, сафардан улуғ мақсадлар кўзланади. Аждодлар мероси изидан дунё кезиш шундай шарафли вазифадир. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг бой тарихини ўрганиш учун ҳар қанча сафар қилса, бу йўлда керак бўлса, қаҳрамонликлар кўрсатса арзийди. *“Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ”. (Ислом Каримов. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза, 1996 йил. 24 октябрь).*

Алқисса, бутун Евро-Осиё қитъаларини кезиб чиқиш учун фақат истак ва шижоат камлик қилади. Шунга яраша тайёргарлик кўриш ва “сафар жабдуғи”ни пухта ҳозирлаш даркор. Эзгу ният йўлида ўрни келганда таваккал ҳам қилиш керак. Президент қарорида масаланинг шу каби ташкилий жиҳатлари ҳам кенг қамраб олинган: *“Марказнинг хорижий давлатларга хизмат сафарига борадиган мутахассислари ва бошқа ташкилотлардан жалб қилинадиган экспертлар Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчихоналари вакиллари томонидан кутиб олиниши, кузатиб қўйилиши, визалар расмийлаштирилишида ва таржимонларни бириктиришда ҳамда Марказнинг хорижий мамлакатлардаги тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин”*, дея белгиланиши айни муддао.

Сафардан асосий мақсад – Соҳибқирон ва унинг даврига, умуман, юртимиз тарихига оид зарур маълумотларни тўплашдан иборат. Маълумки, ҳазрат Соҳибқироннинг довруғи бутун дунёга ёйилган. Ҳатто океан ортида –

АҚШдаги машҳур Метрополь музейида бобомизнинг хос ашёлари сақланмоқда. Улуғ боболарнинг дунёга ёйилган меросини ўрганиш ва тарғиб этиш ҳақиқий темурий авлодларга хос вазифадир. Шунингдек:

— турли давлатлардаги музейларда ва шахсий коллекционерлар қўлида сақланаётган Соҳибқирон ва унинг даври, умуман Ўзбекистон тарихига оид осори-атиқаларни бориб кўриш, уларнинг имкон қадар тўлиқ рўйхатини тузиш, фото суратларини олиш ва ёзма тавсифлаш;

— Амир Темур ва темурийлар томонидан барпо этилган меъморий обидаларни зиёрат қилиш, уларнинг тарихига оид маълумотлар тўплаш;

— хорижда макон топган улуғ валийлар, мутафаккирлар, буюк зотларнинг қабрларини зиёрат қилиш;

— хорижлик тарихчи ва ёзувчиларнинг юртимиз тарихи ва Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги асарларини тўплаш;

— сафар давомида хориж давлатларидаги одамлар ва одатлар ҳақида, тарихи ва бугунги куни, табиати ва бошқа диққатга сазовор жойлар ҳақида ҳикоя қилиш;

— чет эллардаги ватандошлардан Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги маълумотлар, ҳикоя ва ривоятларни ёзиб олиш кўзда тутилади.

Сафар йўналиши қуйидаги манзиллар бўйлаб ўтади: “Ғишткўприк” божхона постидан чиққач, Қозоғистон бўйлаб, энг аввало, Ўтрор томон йўл олинади (Соҳибқирон бобомиз вафот этган манзил). Сўнгра Туркистонга бориб, Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси зиёрат қилинади. Ундан сўнг Қизил Ўрдага ўтилади. Қизил Ўрда Қўқон хонлигининг савдо-сотиқ ва ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга шимолий қалъаси ҳисобланиб, “Оқмачит” деб аталган. Оқмачит тўғрисида чор Россияси генерал-адъютанти А.Перовский шундай ёзган: “Бу қалъа Қўқон хонлигида Сирдарёнинг қуйи оқимидаги энг муҳим қалъаларидан ҳисобланиб, бир неча ҳужумларни мардонавор қайтарган ва енгилмаслиги билан шуҳрат қозонган”.

Алмати, Остона ва бошқа шаҳарларда Амир Темур ҳақида ривоятлар, янги маълумотлар йиғилиши мумкин. Олий ўқув юртларида учрашувлар ўтказилади. Шундан сўнг Соҳибқироннинг 1391 йилда Тўхтамишга қарши юришга чиққан йўли бўйлаб давом этамиз. Соҳибқирон Улуғтоғ этагида ҳарбий кўрик ўтказиб, катта тошга сафар ҳақида битик ёзиб қолдиришни буюрган. Бу тош ҳозир Эрмитажда сақланади. Соҳибқирон бобомизнинг музаффар лашкари Қундузча деган манзилда Тўхтамишхон қўшинини пароканда қилиб, ғалаба қозонган ва натижада салтанатнинг шимолий сарҳадлари хавфсизлиги таъминланган. Тўхтамиш устидан ғалаба фақат Ўрта Осиё ва Шарқий Оврўпо эмас, балки Россия тарихида ҳам беқиёс аҳамият касб этган. Жанг бўлиб ўтган Қундузча Самара ва Чистопол шаҳарлари ўртасида жойлашган.

Сафар Волгабўйидан Татаристонгача (Олтин Ўрда ҳудудлари) давом эттирилади. Уфа яқинидаги Акзират деган манзилда Соҳибқирон амирларидан бир нечасининг мақбаралари сақланиб қолган. Уларни зиёрат қилиш ва ўрганиш керак. Москва остонасидаги Елец шаҳрига борилади. Баъзи тарихий манбаларда Соҳибқирон бобомиз музаффар қўшини билан Елецгача боргани айтилади. Шу муносабат билан Москва музейларида юртимиз тарихи билан боғлиқ экспонатларни кўриш, уларнинг тарихини имкон қадар ўрганиш ҳам сафар дастурига киради. “Оружейная палата”да Хива хонининг ноёб тахти ва тарихимизга оид бошқа жуда кўп буюмлар сақланади. Москвадаги Алишер Навоий ҳайкали зиёрат қилинади.

Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланаётган юртимиз тарихига оид тарихий бойликларни санаб саноғига етиш мушкул. Масалан, Амир Темур мақбарасининг фил суяги билан қадама нақшланган улкан, нодир эшиклари, мақбаранинг нақшинкор ойнаси, мақбара пештоқидаги нафис ёзувли лавҳа (унда *“Жаҳонгир Амир Темур Кўрагонийнинг қабри, Худо уни раҳматли қилсин ва абадий жаннатда бўлсин”*, деган ёзувлар бор). Шундан сўнг сафар йўналиши Болтиқбўйи давлатлари бўйлаб давом эттирилади. Рига шаҳридаги Мирзо Улуғбек ҳайкали зиёрат қилиниб, Германияга йўл олинади... Машҳур Дрезден суратлар галереясида Шарқ миниатюралари, юртимиз тарихи ва Соҳибқиронга оид суратлар мавжуд. Ғарбнинг машҳур мусаввири Рембрандт Соҳибқирон суратини ишлаган. Ҳозир шу сурат қайси музейда сақланаяпти? Шу аниқланса, бориб кўрилса, имкони бўлса, нусха олинса қандай яхши бўларди.

Маълумки, устурлоб ва глобус Мирзо Улуғбек расадхонасидаги осмон жисмларини ўрганишда асосий астрономик асбоблардан саналган. Бугунги кунда Даниядаги Дэвид фонди коллекцияларида ҳижрий 830 (1425-1427) йилда Жаъфар ибн Умар ал-Устурлобий Улуғбек расадхонаси учун ясатган, баландлиги ҳалқаси билан 33,5 сантиметр бўлган устурлоб сақланмоқда. Устурлоб мис ва кумушдан ишланган, айланаси бўйлаб турли даража ва дақиқаларга бўлинган.

Оврўпода Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг мухлислари ҳозир ҳам кўп. Голландиялик шундай бир тадбиркор ҳақида эшитганман. У дўконини “Амир Темур” деб номлаб, бобомиз даврига мос жиҳозлар ва осори-атиқалар билан безаган. Албатта, бундай инсонлар ва уларнинг ишлари билан танишув сафарнинг асосий мақсадларидан биридир. Францияда, Париждаги “Темурийлар жамияти” ва “Темурийлар” журнали фаолияти билан танишиш, ўзаро маълумотлар алмашиш жуда муҳим.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МАДАНИЙ БОЙЛИККА ЭЪТИБОР

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори маданий бойликларимизни қадрлай биладиган ҳар бир ватандошимизни ҳаяжонлантирди. Зеро, халқ маънавиятининг юксалишида, эътиқоди мустаҳкам бўлишида маданий бойликларнинг ўрни беқиёс.

Қарорда **“Айни вақтда халқимиз, хусусан, ёшларимизни ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд этиш, тарихимиз ва маданиятимизнинг номаълум саҳифаларини чуқур ўрганиш, чет эллардаги Ўзбекистонга оид маданий бойликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида”** қилинадиган ишлар аниқ кўрсатилган. Маълумки, турли тарихий жараёнлар сабаб маънавий меросимизга оид китоблар, осори атиқалар хорижга чиқиб кетган. Бу меросни миллатимизга қайтариш иши шарафли бўлиши билан бирга ҳар бир зиёли учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Юртбошимизнинг бу қарори ҳар бир миллатсеварни руҳлантириш билан бирга ватанпарварликнинг, миллатпарварликнинг намунаси ҳамдир. Қолаверса, маънавий меросимизга давлат миқёсида эътибор қаратилаётганининг далилидир.

Қарорда **“Миллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси — реестрини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш, шунингдек, ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видео- тасвирларини юртимизга олиб келиш, тегишли илмий марказлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориб, эришилган натижаларни илмий муомалага киритиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш”** ҳам белгиланган. Бу ишларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан алоқалари янада жадаллашади, адабий-маданий ҳамкорликлар ривожланади. Илмий-маданий муассасалар, музейлар, фондлар билан биргаликда илмий анжуманлар ўтказиш икки томонлама ижодий самара беради.

Дунёнинг қайси жойида бўлса-да, маданий бойликларимизни халқимизга қайтариш бу маънавиятга, маърифатга қўшиладиган улкан ҳисса. Маърифат нури қанча ёрқин порласа, жаҳолат шунчалар ортга чекиниши ҳаёт ҳақиқати. Халқимизнинг чет эллардаги маънавий бойлигини ўзига қайтариш элимизнинг азалий орзу-истаклари рўёбидир. Зеро, маънавияти бутун халқ жипс, бирлашган бўлади. Дили бир, тили бир халқ эса иродаси мустаҳкам, аҳдида собит, енгилмасдир.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими масъул котиби

ЁШ ИЖОДКОР БУРЧИ

Ёзувчилар уюшмасида

Ёзувчилар уюшмасида Президентимизнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, ёш ижодкорлар олдидаги масъулият ва ижодий бурч масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Шоирлар, ёзувчилар, “Ижод” жамоат фонди томонидан чоп этилган биринчи китоблар муаллифлари, ижодкор ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, Халқ шоири Иқбол Мирзо сўзга чиқиб, Президентимиз ёшлар билан учрашувда сўзлаган нутқида ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар, улуғ ишларнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифаларни аниқ кўрсатиб берганини эътироф этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик жараёнида ижодкорларнинг бурч ва вазифалари нимадан иборат эканлиги ҳақида сўзладилар. Мамлакатимиз зиёлилари, айниқса, ёшлар бугунги ўзгаришларга қизғин муносабат билдиришлари лозимлигини таъкидладилар.

Тадбирда устоз адиблар ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Ахборот хизмати

АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ ТИМСОЛИ

Тақдимот

Тошкент шаҳридаги “Kitob olami” савдо мажмуасида “O‘qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини кучайтириш, ёш авлоднинг китобга бўлган қизиқишини юксалтиришга бағишланган китоблар тақдимоти бўлиб ўтди. Таниқли ёзувчи ва ижодкорлар томонидан ҳамюртларимизга тақдим этилган ушбу асарлар Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва ёзувчи Тўлқин Ҳайит ҳаммуаллифлигида нашр қилинган **“Амир Темур қалбида чақнаган нур”** асари диалог, яъни дилкаш суҳбат тарзида ёзилган. Китобга Амир Темур шахси, ўша даврдаги илм-фан ва маданият ривожи, хилма-хил тақдирлар, истиқлол йилларида Соҳибқирон сиймосига кўрсатилган эҳтиром ҳақидаги қизиқарли лавҳалар, фикр-мулоҳазалар жамланган.

Тўлқин Ҳайит қаламига мансуб яна бир китоб — **“Буюк салоҳият соҳиби”** асарида Амир Темурнинг ҳарбий фаолияти, адолат ўрнатиш бобидаги давлатчилик ислоҳотлари, меъморчилик ва бошқа ўнлаб соҳаларда амалга оширган оламшумул ишлари қаламга олинган.

Олим, педагог ва публицист Жумабой Раҳимовнинг **“Адолат ва қудрат тимсоли”** китоб-албоми эса Ватан озодлиги, мустақиллиги учун жангу жадал майдонида сўнгги нафасигача курашган улуғ саркарда Амир Темур тарихига доир билимларимизни янада кенгайтиради. Кўплаб тадқиқотдан фойдаланиб ёзилган китоб оммабоплиги билан барча ёшдаги ўқувчиларга манзур бўлиши аниқ.

Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар, бўлажак Ватан ҳимоячилари, шунингдек, айни вақтда хизмат қилаётган мудофаа ходимлари, умуман, барча ҳамюртларимиз учун бу асарлар ўзига хос қўлланма бўлиши шубҳасиз.

Дилором СУЛТОНОВА,
ўқитувчи

Даврон РАЖАБ

МЕН СЕН ТОМОН ИНТИЛАВЕРДИМ



1967 йилда туғилган. Республика Рассомлик коллежи, кейинчалик Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсида ўқиган. Ҳозирга қадар “Бир томчи юлдуз”, “Бахт шамоллари” сингари шеърий тўпламлари чоп этилган шоир ижодида олам рангинлигидан илҳомланиш, сўз ва ранг уйғунлигини ҳис этиш яққол сезилади.

ЭЗГУЛИК

Борлиғимда бор эди сўзинг,
Кўзимда айландинг жолага,
Қўшиғимда бор эдинг ўзинг...

Мен сенга хўб интилавердим!
Айтсам, айтаверсам, тинмасам
Юрагимни, кўнглимни бердим...

Чунки мавжудсан тузлиғимда,
Қалбимга ким уни жо этди?
Нега жойлашдинг ўзлигимда?

Мен сен томон интилавердим...
Кўзимдаги ёшларим билан
Тўхтамадим, умримни тикдим.

Ривоят бўлса-да, арзирлик,
Мен сен сари интилавердим,
Мен сенга интилдим, ЭЗГУЛИК!

ТОНГ

Тонг учмоқда бинафша рангда—
Бу осмонга ёйилган қўшиқ
Гўё нафас олмоқда уфқ.

Қуёш яшнар, аста пайдар-пай,
Тоғ йўли ҳам кетган кўк сари—
Уйғонишни истаб-истамай.

Деразамнинг ҳарир пардасин
Шабадалар тебратиб қўяр,
Кун таратар нурлар нағмасин!

СЕНСИЗЛИК

1

Аста-секин сенинг кўзларинг
Ўз аслига қайтиб бормоқда.
Унут бўлиб борар сўзларинг,
Суратинг ҳам дилда сўнмоқда.

Ё сени мен ўйлаб топдимми?
Сен ҳам мени ўйлаб топдингми?
Одамларга кетдик қўшилиб,
Йўқмиз энди, тушми ё ўнгми?

2

Гапирмагин, асло мен ҳақда,
Бу, сийқатоб сўзлар эскирди.
Энди йўқсан менинг ёнимда,
Доно бўлдик, менга эс кирди.

Гапирмайман энди сен ҳақда,
Кўзларинг ҳам сўниб бормоқда.
Гўё бунда буюк бир рассом,
Ёзган суратидан тонмоқда.
Сен бахтли бўлардинг ҳар лаҳза, ҳар дам!

МУЛКИМ

Менга ёрдам берар соф ҳаво
Ёрқин ранглар тортиб йўлимга,
Кунларимга элтар куй-наво.

Куй чалишни юракдан бошлар...
Кўз олдимда яшнатиб тонгни
Қайта-қайта руҳимга мослар.

Тонгни созлаб нафасларимга...
Ўз мулкимдек юракка солиб,
Жойлаб қўйгум қафасларимга!

* * *

Кун —
Манзаралар этмоқда давом,
Сайрамоқда унда шод қушлар
Айтилмоқда менинг қўшиғим.

Орзуларим давом этмоқда...
Порламакда унда Қуёшим...
Менинг бахтим содир бўлмоқда,
Тўкилмоқда севинч кўз ёшим.

* * *

Манзарага қара, йиғлама кейин,
Чунки нафас яшар уларда.
Сен уларга қўшилган чоғда...
Мангуликка кетишинг тайин...

Манзарага умрингни бахш эт,
Бу дақиқа сўнгги бор гўё.
Унда яна тирилишинг бор,
Майда-чуйда яшашни унут...

* * *

Тинмайсан.
Гоҳ ёмғир бўлар сенга ҳамроҳ,
Гоҳ шамоллар қолмас изингдан.
Гоҳ ҳилол сенга эргашар,
Сен эса муттасил кезасан...

Тинмайсан.
Тинсанг,
Ёмғир ҳам,
Шамол ҳам
Ҳилол ҳам сени бошқара бошлар.
Айрилиб қоласан сеҳрингдан.

ОЙ ҚЎШИҒИ

Яна куйлаб чиқди кўкка ой
Сокин ҳикмат қўшиқларини.
Уни тинглаб дил олди чирой,
Кечиб тилсиз тўсиқларини.

Айтиш мумкин: куйларми ҳилол,
У нур билан қандайин сўзлар?
Ой куйлайди жилваси билан,
Ёруғланар тинглаган қалблар.

Бу қўшиқни гул ифорига
Сармаст бўлган диллар англайди,
Чайиб нурни қалб хуморига
Эзгуликдан сира тўймайди!

Мана шундай куйлайди ҳилол,
Таҳайюрни сўзсиз ёритиб.
Келгил ундан сен ҳам баҳра ол,
У қалбингни қўймас оғритиб!

СЕНИНГ ЮРАГИНГ

Эсдан чиқиб кетмасин яна
Сенга асраб қўйган сўзларим.
Яна унутиб қўйяпман, мана,
Яна сукутдадир кўзларим.

Балки айтиб берар мунажжим,
Бу куним ҳам сенга эканин.
Гапирмайди, яна нега жим,
Борлиғим сеники эканин...

Қара, яна кунлар ўтяпти,
Тўшимдаги титроқ сеники.
Бу — сенинг юрагинг уряпти,
Унда фақат жасад меники.

Ғулом ШОМУРОД

ТАБАРРУК ТУПРОҚ

1937 йилда туғилган. Бухоро Педагогика институти(ҳозирги БухДУ)нинг филология факултетини тугатган. “Ойдинда кезаман”, “Чақмоқ”, “Кўклам қўшиғи”, “Меҳр меҳвари” сингари ўндан ортиқ китоблари ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган. Устоз шоир шеър ва достонларининг асосий мавзуси – Ватан ва барчамизга бахту толе бахш этган Истиқлол шукронасидир.

ЁРУҒЛИК

Бунда барвақт тонглар оттуси,
Қуёш чиқар бизни соғиниб.
Юлдузларнинг келмай кеттиси,
Майсаларда туради ёниб.
Чўққиларда ялтирайди қор,
Кўнгилларни айлар мусаффо.
Адирдаги боғлар, чаманзор
Ифоридан дил топар шифо.
Куй таратар ирмоқ жаранглаб,
Қушлар бўлар жўровоз унга.
Кунботарда ол, алвон ранглар,
Эшик очар янги бир кунга.
Тўла бошлар шуълага само,
Қуёш кўкка кўтараркан бош,
Салом сенга, эй нурли дунё,
Салом сенга, эй қутлуғ Қуёш!
Сен ҳаммага бирдайин она —
Қудрат олур илдиз ҳам япроқ.
Нурга макон, ўзинг ягона,
Тафтинг билан яшнайди тупроқ.
Само билан бўйлашиб турар
Осмонўпар оппоқ саройлар.
Ҳурлик берган бахтидан сўйлар
Тонгда яна очиб чиройлар...
Янги кунинг, дўстим, муборак,
Қалбинг қуёш нурига тўлсин.
Орзу билан яшасин юрак,
Она замин гулласин, қулсин!

ЭЪТИҚОД

Ҳар кимнинг ҳам қалбида
Қуёши бор, ойи бор.
Орзулари юлдуздай,
Чақнар гул чиройи бор.

Қалбида ўти борлар
Уларни яратади.
Нурига нур қўшар у,
Гулларни яшнатади.

Ким бўлсанг ҳам, эй одам,
Дилда ўтинг сўндирма.
Югур, елгин, бўл илдам,
Гулларингни сўлдирма.

Нобел мукофоти лауреати, атоқли инглиз адиби Томас Стернз Элиот(1888-1965)нинг адабий қарашлари “Адабиётнинг вазифаси ва танқидчиликнинг мақсади” номли китобига киритилган маърузаларида яққол ифодасини топган. “Ўзининг адабий меросига ғамхўрлик қилишдан тўхтаган халқ ёввойилашиб боради, – деб ёзади Элиот мазкур тўпламида. – Ўзининг адабиётини яратишдан тўхтаган халқ эса, тафаккур ривожи ва идрок этишдан тўхтайди. Халқ шеърияти халқ тили билан барҳаёт ва ўз навбатида унга ҳам ҳаёт бахш этади. У ўзида халқ тафаккурининг олий босқичини, унинг буюк куч-қудратини, унинг нозик идрокини намоён этади”. Бу фикрларнинг дунёдаги барча халқлар ва ижодкорларга дахлдорлиги шубҳасиз. Қуйида ушбу тўпламдан олинган китоб мутолааси ҳақидаги парчада адибнинг ўз ижодий тажрибаларидан келиб чиқиб билдирган хулосалари билан танишасиз.



Томас ЭЛИОТ

ТУЙҒУЛАР ДУНЁСИДА

Китобхонлик

Балки аввалги бобларда илгари сурилган масалаларга боғлиқ равишда, Бадиий Дидни ўстириш борасидаги айрим фикр-мулоҳазаларимни умумлаштириш ўринли бўлар. Умид қиламанки, ушбу хулосалар мактаб ва коллежларда адабиётни ўқитиш масаласига муайян даражада алоқадор.

Балки, бадиий дид масаласида мен ўз тажрибаларимнинг умумий характерини қайд этишим нотўғридир ёки, бошқа томондан, эҳтимол аксарият ўқувчилар, чамаси, ўн икки-ўн тўрт ёшларга борганда бадиий адабиётдан маълум маънода ўзига яраша завқ олишга лаёқатли бўлишади деганимда ўқитувчи ва руҳшунослар орасида ҳаммага аён бўлган ҳақиқатни такрорларман; тахминан балоғатга етиш арафасида эса бу болаларнинг аксарияти китоб ўқишга қизиқишини йўқотади, бироқ камдан-кам ўсмирларгина адабиётга аввал ҳис этган завқидан ҳам кучлироқ, жўшқинроқ эҳтиёж туядилар. Бадиий дид масаласида қизлар ўғил болалардан фарқланадими, йўқми, билмайман, аммо ўғил болаларнинг бир хил бўлишига ишончим комил. Улар Теннисоннинг «Гораций», «Жаноб Жон Мурнинг дафн маросими», «Баннокбэрн», «Қасос» сингари айрим ҳарбий мавзудаги балладаларини – жанговар ва ур-йиқит асарларни маънисиз ўйинчоқ аскарчалар ва қуролчалардан кам севмасликлари аниқ. Бу ёшда менинг Шекспирдан олган биргина ҳузурим – уни ўқиётганим учун мақтов эшитганим эди...

Хотирам тез-тез панд бериб туришини тан олиб айтсам, менинг шеъриятга ошнолигим барча ўсмирлар сингари ўн икки ёшда бошланганини, орадан икки йил ўтгач, умуман китоб мутолаасига қизиқишим сўнганини эслайман. Ёдимда, ўн тўрт ёшимда тасодифан қўлимга тушган Фицджеральднинг Умар Хайёмдан таржималар китобини варақлаганимни ва ундаги шеърларни ўқиб, туйғуларнинг янги дунёсига тушиб қолганимни аниқ-тиниқ эслайман. Бу худди туйқусдан янги эътиқодга юз бургандек: олам яшариб, ярқираб, ёрқин ва қийноқли рангларда намоён бўлди. Кейин мен ўсмирларга хос кетма-кетликда Байрон, Шелли, Китс, Росетти, Суинбернга юзландим.

Бу давр, эслашимча, ўн тўққиз ёки йигирма йилча давом этди. Бу давр шиддатли ўқиш-уқиш билан ўтдики – унинг охирида ибтидосини қандай кечганини эслаш қийин – ҳақиқатан дид тубдан ўзгаришга юз тутади. Худди болаликдагидай, бу даврда кўплар ўқиган китобларининг таъсиридан чиқиб кета олмайди, аслида уларнинг йиллар давомида шаклланган бадиий диди бошқа эзгин хотиралари замирига сингиган ўсмирлик завқу шавқининг изларидан ўзга нарса эмас. Шубҳасиз, бу паллалар чиндан-да жўшқин кечади, аммо биз ўсмирликнинг ёрқин бадиий таассуротларини бадиий асарни туб моҳиятига етиб, диққат-эътибор билан тушуниш тажрибасидан фарқлай билишимиз лозим. Одатда, маълум бир шоирнинг асари (ёки бутун ижоди) ўсмир онгини эгаллаб олади ва маълум муддат унинг қалбини сеҳрлаб қўяди. Биз асарга ўзимиздан ташқарида бўлган нарсага қарагандай қарамаймиз, худди ўсмир муҳаббати авжланган паллада холис туриб фикрлай олмагандай унинг таъсирига тушиб, янги ва ажойиб туйғулар оғушида қоламиз. Айрим ҳолларда тақлид деб аташ мумкин бўлган шундай қоғоз қоралашнинг оқибатида содир бўладиган бу жараён ҳақиқий ижодкорнинг онгли танлови эмас, балки тақлидчи қаламкашга телбаларча эргашишдир.

Бадиий адабиётга ошуфталикнинг учинчи ёки баркамоллик босқичи асарини ўқиётган адиб ўрнида ўзимизни кўришни бас қилганимизда, таҳлилий-танқидий қарашларимиз шаклланганда, муаллифдан қандай асар кутиш мумкинлигини – у нимага қодир ва нимага қодир эмас – билганимизда бошланади. Зеро, бадиий асар ўз ҳолича, биздан ташқаридаги нарса-ҳодиса: у биздан аввал ҳам бўлган ва биздан кейин ҳам бўлади. Фақат шу босқичдагина ўқувчи асарнинг бадиий қиммати қай даражадалигини фарқлашга тайёр бўлади; энди унинг ҳақиқий асарни сохтасидан ажрата олишига ишониш мумкин. Бундай фарқлашни уддалай билиш биринчи галдаги вазифа бўлиши керак. Биз ёшликда яхши кўрган шоирларга иқтидорига яраша холисона баҳо беролмаймиз, уларни ўз дунёқарашимиздан келиб чиқиб, азалий боғлиқликка асосланиб жойлаштирамиз: аслида шундай бўлиши лозим. Мен мактаб ўқувчиларига, ҳатто талабаларга ҳам адабиёт намояндалари ўртасидаги фарқни тушунтириш мумкинлигига шубҳа билан қарайман ва бундай ҳаракат самара келтиришига ҳам шубҳаланаман: уларнинг ҳаётий тажрибалари бу масаланинг аҳамиятини англаш даражасида эмас. Шунинг учун Шекспир, Данте ёки Софокл ижоди нақадар юксаклигини англаш аста-секин, бутун умр мобайнида давом этадиган жараён ҳисобланади. Бундай адабиётни уқишга онгли ҳаракат табиий мойилликсиз амалга ошмайди, шунда ҳам, барибир асарнинг бир қисми тушунилмай қолаверади ва бу аслида комил онгнинг вазифаси бўлиши керак; натижа эса, сарф этилган кучга арзийди. Аммо сабр ва тажриба билан эгалланадиган бу вазифа ёшларга оғирлик қилади, мажбурлаш эса, охир-оқибат ёшларнинг бадиий адабиётга мойиллигини, иштиёқини йўқотади ва ҳақиқий бадиий дидни ўстириш ўрнига шунчаки арзимаган натижани беради.

Маълумки, “бадиий дидни ўстириш” – мавҳум тушунча. Ўз олдига бадиий юксак адабиётдан завқланишни мақсад қилиб (унинг бадиий қимматига мувофиқ, холисона) қўйиш, демак, шарпа ортидан қувишдай гап, бундай қувиш орзусида юрганлар – “маданиятли” ва “назокатли” бўлишни истайдиганлардир, яъни улар учун санъат – дабдаба, асарни тушуниш эса – ғолиблик. Чин туйғулар негизида ҳақиқий бадиий дидни ўстириш шахс ва характер ривожидан ажралмас ҳодиса (Мен бу мулоҳаза билан аниқ бир “шахс” ва “характер” борасида қандайдир муҳокамага аралашмоқчимасман). Чинакам бадиий дид – ҳар доим ҳам номукаммал бўлади, ахир биз ҳаммамиз ҳам, моҳиятан, мукаммал эмасмиз; инсонда ва унинг бадиий дидида шахснинг ўзига хосликлари акс этмаса, ўкшашлик ва фарқларда бўлмаса, у биз севган нарсаларни севса ва ҳоказо – бундай одамлар билан адабиёт ҳақидаги суҳбатлар зерикарли бўларди.

Ҳатто айтиш мумкинки, сизнинг савиянгизга мувофиқ яхши адабий “дид”га эга бўлиш, демак, бошқа нарсага нисбатан “дид”га эга бўлмасликдир. Адабиётдаги бадиий дидингиз қизиқишларингиз ва эҳтиросларингиз билан муштарак, улар ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиши мумкин, бу таъсирлар идрок этилади ва шахс имкониятлари даражасида чегараланиши керак.

Моҳиятан, юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалар улкан ва мураккаб саволни ўртага ташлайди: умуман, талабаларни инглиз адабиётини англашга ўргатиш керакми ва шундай бўлса, университетнинг ўқув дастурларига инглиз адабиёти таълимини қай даражада киритиш лозим, агарда, умуман, киритилса?..

1932 йил, ноябр

Рус тилидан Ҳумоюн АКБАР таржимаси

Мансур ЖУМАЕВ

ИШҚИМ БЕШИГИ

1991 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетини тамомлаган ёш шоир кечинмаларини эҳтиётлаб қаламга олади. Унинг шеърларида туйғуларнинг нозик тараннуми бор. Ватанни куйлаш, табиат гўзалликларидан ҳайратланиш шоирнинг юрак торларини жаранглатади.

КЎЗЛАР

Бир оташда ёнар икки тан,
Икки дилда бир ўтнинг тафти;
Кўзинг: «Кўзим айланг, — деб, — ватан»,
Кўзларимга нома йўллабди...

Битта ширин дийдор қасдида
Боқиб кўзим куйгани-куйган.
Кўзларинг-ку, кулги остига
Ғамларингни беркитиб қўйган.

Сен дардингни айламай достон,
Дил қаърига уни отарсан.
Қанча нозик бўлмагин, жонон,
Гўзалликда шунча ботирсан!

Мен, барибир, севаман, инон,
Бори-йўғи бир сўров нима.
Кўзинг: «Кўзим айланг, — деб, — макон»,
Кўзларимга йўлласа нома?..

ОҚТОВДА

Тўрт ёнда — қаламдошлар,
Тўрт ёнимда — қондошлар;
Қуёшни ёстиқ қилиб,
Оқтов ётар ёнбошлаб.

Кибор тоғлар ҳасратин
Илғадингми, кўнгилчам:
Тоғлар маним акамдир,
Сойлар — сулув сингилчам!

Шўх сойлар, асов сойлар,
Кўзимни сеҳри бойлар:
Кетди, деб, оғам қайга,
Қайтар йўлимни пойлар.

Юрагимда, ҳой, ким бор?
Севги деган ҳоким бор.
Ҳузурингга, Оқтовим,
Ининг бўлиб боргим бор!

ИККИ ЭРТАК

1

Гулчи гулқайчи билан гулхонага йўл олди,
Қирсиллатиб қайчини гулбутадан гул олди.
Гулчи кулиб: “Ўксима, — деди, —
сенинг туфайли
Бир йигит шод, бир қизнинг
юрагига йўл олди!”

2

Боғбон бобо боғига борди болтаси билан,
Қари беҳи белига урди болтаси билан.
“Ўтин бўларман...” — дарахт
япроғидан сизди ёш,
Боғбон бобо жилмайди:
“Йўқ, сен олов бўласан!”

КЎНГЛИМ

Кўнглимнинг кўчасидан
Ишқ ахтарар ҳимоят;
Балки, менга жазо бу,
Балки, Ҳақдан иноят.

Излаб дилсўз бир баёт,
Титроққа борар кўнглим,
Тупроқдан ичган ҳаёт,
Тупроққа борар кўнглим.

Гарчи дилим кўшкида
Девору эшик йўқдир.
Ишқни йўргакламоққа
Кўнглимдай бешик йўқдир.

СЎЗ ТАНИБ, КИТОБ ЎҚИШНИ ЎРГАНГАН АДИБ

Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори Дилдора Рафиқова билан суҳбат

«Ҳурматли устоз Абдулла ака! Шу вақтгача китоб ҳадя қилолмаганман. Бу гал шунга журъат этдим. Ғашингизни келтирадиганлари бор, албатта. Койманг. Маслаҳат, насиҳатларингизга ҳамиша муҳтожман. Чуқур ҳурматим сизга.

Таъзим билан Р.Файзий. 8/1.60».

“Ҳурматли Абдулла ака! Биринчи катта китобим шу. Уришиб-уришиб ўқиб чиқарсиз деган умиддаман.

Эҳтиром ила шогирдингиз Саид Аҳмад. 7.VIII. 65”.

“Абдулла ака! Отадай меҳрибонлигингиз, устоздай талабчанлигингиз... ҳамма-ҳаммаси учун миннатдорлигимнинг кичик нишонаси ўрнида қабул қилғайсиз. Имзо(О.Шарафиддинов) 28.XII.62”.

— Китобларга ёзилган дастхатлар энг гўзал мактублардир. Кўнгил изҳорлари, орзу-интилишлар акс этган бу мўъжаз номаларни тадқиқ қилиб, инсон қалби, руҳияти, сўзи ва тафаккурига доир сир-синоатларни очиш мумкин.

Дилдорахон, мана, Абдулла Қаҳҳор уй-музейида сақланаётган ўнлаб китоблардаги дастхатларни ўқиб, шундай хаёлларга борганимиз бежиз эмас. Негаки, устоз ижодкорга тортиқ этилган китоблардаги битиклар, бир томондан, адиб табиатидаги талабчанлик, меҳру хайрихоҳликдан ишора берса, иккинчи томондан, унга бўлган чексиз ҳурматни ифодалайди. Кўз олдимизда дастхатларни ўқиб юзига табассум ёйилган адиб ҳамда “Абдулла Қаҳҳор нима деркан?” дея қимтиниб, унга китоб тортиқ қилган ижодкорлар намоён бўлади.

“Ёзувчининг вазифаси яхши асарлар ёзиш, халқ дилининг таржимони бўлиш билангина чекланмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазодан қўриқлаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш ҳам киради”, деб ёзади бир мақоласида адиб. Дарҳақиқат, улкан сўз санъаткорининг ўлмас ижоди, енгил-елпи асарларга қарши қатъияти, истеъдодларни қўллаб-қувватлашдаги бағрикенглиги, тўғрисўзлиги — буларнинг ҳаммаси охир-оқибат битта мақсадга — адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлишга қаратилгандек... Китобларга ёзилган дастхатларни ўқисак, шундай инсон сиймоси кўз олдимизда гавдаланади.

Абдулла Қаҳҳор портретини яратган рассомлар унинг суратини шунчаки чизиб бўлмаслигини, бу осон эмаслигини ёзишган. Бунга сабаб адибнинг ички ва ташқи қиёфасидаги ҳар бир жиҳат, хусусият, хислатнинг ёрқинлиги, кучлилигида бўлса керак. Унинг табиатидаги сидқидиллик адабиётга бўлган муҳаббатида ҳам ёрқин кўринади. Бу муҳаббат “китобга ишқибоз” отасидан унга “юққан” бўлса ажабмас. Абдулла Қаҳҳор бошқалар каби ҳарф таниб эмас, балки сўз таниб китоб ўқишни ўрганган экан. Адиб хотираларида отаси ҳам шу тарзда ўқишни ўрганганини ёзади: “Отам ниҳоятда китобга ишқибоз бўлиб, деярли ҳар куни ишдан кейин онамга қизиқ китоблар ўқиб берар эди... Мен сатрларни кузатиб, отамнинг ёнида ўтирар эдим. Отам ҳеч қачон ҳеч қаерда ўқиган эмас. “Мен тушимда хат таниганман”, дер эди. Шундай бўлса ҳам ажаб эмас, лекин тушида хат танишига ёрдам берган нарса унинг китобга ишқибозлиги орқасида, менга ўхшаб, саводли киши китоб ўқиганида сатрларни кузатиш бўлгани бўлса керак”. Бу каби “ишқибозлик”ларга астойдил ёндашиш ёш Абдулланинг ҳам феълу атворига сингиб, унинг ўзига хос таниқли китоб, беш юзга яқин журнал ва адибнинг жуда кўп хатлари, ёзишмалари сақланади. Унинг музейда сақланаётган қўлёзмалари ва хатларини ўқиб беихтиёр Матёқуб Қўшжоновнинг “Абдулла Қаҳҳор моҳир сўз санъаткори эди. Муайян характер ва ҳолатни акс эттирадиган сўзни қўллаб ва уни ўз қолипига тушгандек ўрнини топиб ишлатиш унга мароқ бағишларди”, деган гапларини ёдга оламиз. Адиб ҳақиқатан ҳам сўз санъати заргари бўлганига амин бўламиз. Музейда адибнинг уч хил ёзув графикасини акс эттиргани учун қимматли. Ўз навбатида, адиб яқинлари, дўстларига йўллаган мактубларида ўта масъулиятли, жонкуяр, меҳрибон инсон сифатида гавдаланади. Шуни айтиш керакки, адиб келган мактубларни ҳам ўзига хос тарзда, яъни керакли жойларини чизиб-чизиб ўқиган. Фақат адабиёт, ижод ҳақида ёзилган мактублар эмас, балки яқинлари билан ёзишган маиший мавзудаги хатларда ҳам бошқа рангдаги ручка билан айрим сатрлар тагига чизиб қўйган. Адиб эътиборини жалб қилган бу муҳим жумлаларга балки яна кўз югуртириб чиққандир...

— Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 110 йиллиги арафасида музейда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Адибнинг таваллуд санаси шу ҳақда ёзилган мактублари сақланади. Абдулла Қаҳҳор ҳуснихат эгаси бўлган. У саҳифа устида қайта-қайта ишлашдан эринмайдиган инсон бўлган.

Музей фондидаги хатлар ва телеграммаларни ўқир экансиз, Абдулла Қаҳҳор замондошларининг ҳурмат ва эътиборини қозонган катта ёзувчи ва шахс эканига гувоҳ бўламиз. Мана, масалан, адибга хориждан: Калифорния(АҚШ), Лондон, Полша, Берлиндан келган мактублардан маълум бўладики, адиб ижоди чет элда ҳам кенг эътироф этилган, асарлари кўп тилларга таржима қилинган. Ёки собиқ шўро республикаларидан келган К. Симонов, Иван Ле, Лидия Бать, С. Доронян, И. Боролина сингари хат муаллифлари ҳам адиб ижодини юксак баҳолашган, уни “ўзбекнинг Чехови” дея улуғлашган. Фақат ўзбек китобхони эмас, балки бошқа миллат адабиёти намояндалари ҳам Абдулла Қаҳҳор асарларини катта қизиқиш билан ўқиган.

Адибнинг шогирдлари, дўстларидан келган мактублар алоҳида суҳбат мавзуси. Константин Симонов, Тўлапберган Қайипберганов, Пиримқул Қодиров сингари дўст ва шогирдларидан келган мактублар самимий муносабат, ўзаро ҳурмат-эътибордан далолат беради. Улар донишманд устоз, катта сўз санъаткори, ўта зеҳнли, мулоҳазали инсон билан мулоқотни ҳам ёзувчининг ижодий лабораторияси, ижодкорлик сирларини ўрганишга интилган ёш қалам соҳиблари ҳам ёзишиб келмоқда. Шундай тадбирларнинг бири Яккасарой тумани Абдулла Қаҳҳор маҳалласида ўтказилди. Маҳалла раиси Феруза опа ва маҳалла фаоллари бизни жуда илиқ кутиб олишди. У ерда кўчма кўргазмани намойиш этдик, музей тарихи, ҳозирги кундаги фаолияти билан таништирдик. Музейда турли давра суҳбатлари ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шаҳримиздаги 106-мактаб ўқувчилари билан адабиёт дарсларини адиб яшаб, ижод қилган мана шу масканда ўтказишни анъанага айлантирдик. Бундан ташқари Шайхонтоҳур туманидаги 23-болалар мусиқа ва санъат мактабида кўргазма ташкил этилди ва тадбирда ўқувчилар адиб ижоди асосида рангтасвир асарларини ишлаб, музейга совға қилдилар.

Музей ходимлари ташаббуси билан Абдулла Қаҳҳор асарлари жамланган китоблар қайта нашрдан чиқди. Шунингдек, республика миқёсида мақолалар танловини эълон қилдик. Бу мақолалар сараланиб, тўплам ҳолида чоп этиш режалаштирилган. Музейга хорижий давлатлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюришмоқда. Уларнинг Абдулла Қаҳҳор ижодига, шахсига бўлган катта қизиқиши, ҳурмати бизни қувонтиради. Музейдаги ҳар бир экспонат, ҳар бир саҳифа фақат адиб ижоди сирларидан эмас, балки унинг шахсиятидан ҳам шоҳидлик беради. Келажакда улар алоҳида ўрганилиб, янги тадқиқотлар яратилса, ажабмас.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

Нилуфар НАМОЗОВА суҳбатлашди.

ТАФАККУР КЕМАСИ ЙЎЛОВЧИЛАРИ

Мутолаа китобхонга завқли дамларни туҳфа этиш билан бирга фикрлаш, мулоҳаза юритишдек онгли-руҳий меҳнат жараёни ҳамдир. Яхши бадиий асар мутолаасидан завқланган китобхон гоҳ нафис туйғуларга дўст тутинса, гоҳ дунё фақат ёрқин ранглардан иборат эмаслигини англайди, олам ва одам ҳақида кенгроқ ўй сура бошлайди. Инглиз файласуфи Френсис Бэкон китобларни замон тўлқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемалари, дея таърифлайди. Бу кеманинг йўловчилари орасида буюк ёзувчилар ва уларнинг муҳаббатини қозонган асарлар, севимли адиблар бор. Жаҳон адабиётининг кўзга кўринган ёзувчиларидан Габриэл Гарсиа Маркес Франц Кафканинг “Эврилиш” асарини ҳаёт йўлини аниқлаб берган асар сифатида тан олса, рус ёзувчиси Фёдор Достоевский ва Нобел мукофоти совриндори Эрнест Хемингуэй “Уруш ва тинчлик”ни энг аввал ўқиладиган асарлар қаторида тилга олишаркан.

Бугун замонавий ўзбек насрида баракали ижод қилаётган ёзувчилардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Носир Фозилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маҳмуд Торобий”, “Фано даштидаги қуш”, “Паҳлавон Муҳаммад”, “Ранг ва меҳвар” сингари романлар муаллифи Асад Дилмурод, “Турмуш”, “Ёвузлик фариштаси”, “Қадимий қўшиқ” каби китоблари орқали китобхонга яхши таниш адиба Зулфия Қуролбой қизининг адабиёт моҳиятини тушуниш, сўзни ҳис этиш, ижод оламига чорлаган, баркамол асарлар яратишга илҳомлантирган китоблар борасидаги ўйлари, ёш носирларга тавсиялари, шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Биринчи китобим” лойиҳасида “Кўҳна белбоғ” номли ҳикоялар тўплами чоп этилган ёш ёзувчи Жасур Кенгбоевнинг фикрлари билан ўртоқлашамиз.

Носир ФОЗИЛОВ:

БОР НАРСАНИ ЁЗИШ КЕРАК!

— Умримнинг гул фасллари уруш йилларига тўғри келди. Ўша даврдаги турмуш ташвишлари, қийинчиликлар бизни эрта улғайтирди. Кўп нарсанинг қадрига етишни ўргандик. Бошдан кечирганларимиз ёдимизда хотира бўлиб эмас, ёзилажак асарлар учун жонли тимсол бўлиб қолди. Ўша пайтлари одамлар ўқиш-ёзишни деярли билмасалар-да, китобга меҳри бошқача эди. Одамлар китобни қадрларди, асраб-авайларди.

Илк сабоқларни қишлоқ мактабида олдим. Абдулла Қаҳҳорнинг “Қанотсиз читтак” ҳикоясини ўқидиму кўнглимда бир ҳавас туғилди. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи мутолаасидан сўнг бу ҳавас Адабиётга, ижодга бўлган ихлос, кучли иштиёққа айланди. Бунда адабиёт ўқитувчимизнинг ҳам хизмати катта. Ўрта мактабни битириб Тошкентга келдим. Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг филология факултетига ўқишга кирганимдан сўнг устоз ёзувчилар билан танишдим. Ойбек, Миртемир, Ғафур Ғулом каби оқсоқол ёзувчилар даврасида бўлдим, суҳбатларини олдим. Бу дийдорлашувлар, учрашувлар, нафис мажлислар сабаб “Устозлар даврасида”, “Топдиму йўқотмадим” китобларим дунёга келди, Давлат мукофотларига лойиқ кўрилдим.

Меҳнат фаолиятим давомида Ғафур Ғулом номидаги нашриётда, “Шарқ юлдузи” журналида турли лавозимларда ишладим. Адабий ходим, катта муҳаррир, бўлим мудири бўлдим, журналларда масъул котиблик вазифасини бажардим. Шу йиллар давомида озмунча асарлар қўлимдан ўтдими?! Адабиёт мухлисларига яхши асарларни топиб, ўқишли, маънавий озиқ бўладиган материални чоп этишнинг ўзи бўлмайди. Ҳозир ёшим тўқсонга яқинлашиб қолди. Мутолаа учун жисмоний ҳолатингиз ҳам яхши бўлиши лозим. Ҳозир китобларни аёлим ўқиб беради.

Ёзувчи бўлиш учун кўп ўқиш, ҳаётни кузатиш керак. Менинг ёзганларим ҳам ўзим гувоҳ бўлганларим, кузатишларим ҳосиласи. Таассуротлар, ҳаяжонлар, хотиралар аста-секин ёзилажак асарлар учун кичик пойдевор бўлиб бораверади. Ёзувчи кўп ўқиши, ўқиганда ҳам уқиб ўқиши, зийрак бўлиши керак. Буни ёзувчи бўламан, деган ёшларга ҳам кўп айтаман. Одамлар билан дилдан суҳбат қуриш лозим. Шу орқали ҳаётнинг ичига кириб борилади. Бор нарсани ёзиш, ёзганда ҳам юракдан ўтказиб ёзиш керак. Бу жонли тасвирни яратишда ниҳоятда муҳим. Шунда бирор яхши нарса дунёга келиши мумкин. Борини ёзгандан кейин ёзиш ҳам осон бўлади. Бўрттириш, бўлмаганни бўлдириш билан адабиётни яратиб бўлмайди. Ёшлар, аввало, ўз адабиётини ўқиши, ўрганиши керак. Томирлари қайси жойдан сув ичишини англаши, билиши лозим. “Навоий” романини ўқиш керак, “Юлдузли тунлар”ни мутолаа қилиш, “Улуғбек хазинаси”ни англаши керак. Шунда ёзилажак асарларига миллий руҳ сингади. Ёшлар, ўз номи билан ёшлар-да! Бу даврда юракни қитиқлайдиган ҳисларга билиб-билмай бўйсунади одам. Ўзбек ва дунё адабиётида муҳаббат ҳақида қанчадан-қанча дилбар асарлар ёзилган. Улардаги кўнгил кечинмаларининг нозик ифодаларини топиб ёзиш, сўз ёрдамида тасвирлаш маҳоратини ўзлаштириш лозим.

Асад ДИЛМУРОД:

МУТОЛАА — ШУНЧАКИ ЭРМАК ЭМАС

Машҳур перулик ёзувчи ва драматург, Нобел мукофоти соҳиби Хорхе Марио Педро Варгас Лоса сўз санъати, китоб ва мутолаанинг эстетик аҳамиятини юқори баҳолаб шундай дейди: “Яхши китоблар бўлмаганида инсониятнинг бугунги ҳолига маймунлар йиғларди, мустақил фикрдан маҳрум “лаббай”чилар урчиб кетарди, кўнгил бирлиги йўқоларди, мутелик кайфияти кенг тарқалиб, тараққиётнинг етакчи омили саналган ўз-ўзини англаш туйғуси йўқоларди”. Бу гап мумтоз адабиёт ҳамиша адолат ва эзгулик тарафида бўлиши, ёвузлик ва жаҳолат билан чиқиша олмаслигини яққол ифодалайди. Чиндан ҳам китоб камолот сари дадил интилаётган инсоният билан ҳамнафас: адолат қўрғони, эзгулик ҳимоячиси.

Ижодкорлар кўпинча илмий-назарий ёки бадиий-публицистик асар ўқиш машаққатини муайян тур ёки жанрда қалам тебратиш азобига қиёслашади. Негаки, мутолаа зерикишдан қутулиш, овуниш ёки вақт ўтказиш учун шунчаки эрмак эмас, аксинча, маъно уқиш, англаш орқали ўзликни таниш, кўнгилни поклаш, тафаккур ва тасаввурга қанот бағишлаш омилидир.

Ёшлигимда “Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар”, “Мартин Иден”, “Бовари хоним” ва “Ўтган кунлар”дан беҳад таъсирланган эсам-да, бу романлар қатида яширин эстетик концепция ва идеаллар мағзини чақишга қурбим етмагани аниқ. Бугун “Дон Кихот”, “Уруш ва тинчлик”, “Жиноят ва жазо”, “Капитан қизи”, “Америка фожиаси”, “Фауст”, “Евгений Онегин” ва “Демон” каби жаҳон адабиёти дурдоналари қаърига шўнғиганимда уларда мужассам бадиият сеҳри, маъно-мазмун ва тимсоллар билан бир тану бир жон бўлиб бирлашмоғим керак, деган фикр бир лаҳза тинч қўймайди...

Ижодий меҳнат жараёнини бирон замондош миллий ёзувчи ёки шоир билан битиклари воситасида хаёлан бемалол сирлашган, ҳатто бадиий маҳорат масалалари ва давримиз учун хос турфа ташвишлар устида талашган кезларимда тўлароқ қониқиш туяман. Кейинги кунларда ўқиган насрий асарларимни сарҳисоб қилсам, кўзим олдида дастлаб Одил Ёқубов, Омон Муҳтор, Муҳаммад Али, Абдуқаюм Йўлдош, Нодир Норматов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Исажон Султон қалб қўрини сарфлаб битган “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Ишқ аҳли”, “Буюк фаррош”, “Улуғ салтанат”, “Дарё”, “Зулайхо дарахти”, “Донишманд Сизиф” романлари гавдаланади...

Бадиий-эстетик тафаккур дунё адабиёти ва миллий адабиётимизда шаклланган ворисийлик ва ижодий анъаналарга суянган ҳолда ўзлигини танийди. Бу ҳақиқатни, айниқса, ёш ижодкорлар унутмаслиги керак. Муҳими, бугунги кунда улар учун ўқиш ва ўрганиш бобида танлаш ҳуқуқи чексиз. Зеро, улар худо берган истеъдодлари табиатига уйғун тушадиган ҳар жиҳатдан етук бадиий асарларни саралаб мутасил ўқишса ва бадиий маҳорат сирларини пухта эгаллаб боришса, дилларига тугиб қўйган хайрли ниятлари, шубҳасиз, ушалади.

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи:

КИТОБХОНЛИНГ ДИДИ БЎЛСИН!

Ҳар бир одам ўз ҳаёти давомида аввал боғчада, кейин мактабда, сўнг балки институт-университетларда билим олади. Лекин баъзида битта асар ёки битта китоб одамга ўн-ўн беш йиллик таълимдан кўра кўпроқ сабоқ бериши ҳам мумкин. Ўзим, эсимни танибманки, китоб билан ошноман. Мактабда, институтда ўқиб юрган вақтларимда тайинли дарс бўлмаган кунлари ҳеч нарсага қарамасдан уйга келиб, севимли китобимни мук тушиб ўқирдим.

Дастлаб, ўқувчилик давримда забардаст адибларимиз Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Шуҳратнинг йилдан йилга маъно-мазмуни, ҳарорати ортиб бораётган асарлари — “Ўткан кунлар”, “Ҳақ сўзнинг кучи”, “Улуғбек хазинаси”, “Чинор”, “Олтин зангламас”ларни ўқиган бўлсам, кейинроқ Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор”, Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили” каби миллий адабиётимизда ҳодиса бўлган асарларни қўлдан қўймай қайта-қайта ўқидим. Ўқидим – ҳис қилдим. Ҳис қилиб, яна ўқидим. Бу асарлар қаҳрамонларининг ўзига хос табиати, руҳий эврилишлари, қийноқлари ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди, ларзага солади. Ларзага солиш не, балки ўз қалбига-да, ўз туриш-турмушига-да назар ташлашга, ҳаёт йўлларида дуч келиши мумкин бўлган талотўплардан огоҳ бўлишга ундайди.

Кейинчалик жаҳон адабиёти намуналари билан танишдим. Севимли ёзувчим Фёдор Достоевскийнинг “Телба”сидан энг кичик асари “Аломат одамнинг туши”гача хатм қилдим ва ҳар гал дунёнинг энг сирли тилсимоти — Инсон қалбини теран англаган Достоевский даҳосига ҳайратим ошган!

Оммавий китобхонлик авж олаётган бугунги кунда ёшларга қайси ва қандай китобларни тавсия қилиш мумкин? Аввало, ҳар бир ўқувчида китоб танлаш диди бўлиши лозим. Ёшлар дуч келган асар ёки қўлига тушган китобни ўқиб кетавермаслиги лозим. Савиясиз асар ўқувчининг таъбини ўтмаслаштириш билан бирга китобнинг ҳам, адабиётнинг ҳам қадрини туширади. Яхши асарлар эса, Худога шукрки, миллий адабиётда ҳам, жаҳон адабиётида ҳам истаганча топилади. Айниқса, ҳозир ёшларимиз чет тилларини пухта ўрганишаяпти. Агар жаҳон адабиётининг дурдона асарини аслиятда ўқишса, китобнинг асл жозибасини чуқурроқ ҳис қилишади. Зеро, бадиий юксак китобларгина ёшларга ижодда ўзи интилиши лозим бўлган юқори даражани кўрсатиб туради.

Жасур КЕНГБОЕВ:

НИМА ЁЗАЁТГАНИМИЗНИ БИЛАМИЗМИ?..

Даврага кирмоқчи бўлган одам тайёргарликсиз келмайди. Йиллар бўйи шуғулланади, билагини куч-қувватга тўлдириб, сўнг майдонга бўйлайди.

Тўйга ё меҳмонга кетаётган одам қуруқ қўл билан бормайди. Ҳеч қурса, иккита нон билан меҳмонлайди.

Мақсади балиқ овлаш бўлган киши дарё ё кўлга қуруқ қўлига ишониб бормайди. Тўрвасига қармоқ ва чувалчанг солиб олади.

Адабиёт остонасига қадам қўяётган ёш ижодкорнинг ҳам йўриғи шундай: бу қутлуғ даргоҳга қуруқ қўл, сип-силлиқ жасад, бўм-бўш калла, дарди йўқ юрак билан кириб бўлмайди!

Чиниқмаган полвон даврага кириб, ҳадеб йиқилиб юриши мумкин, бу фақат ўзига зиён, илло, одамлар жабр кўрмайди. Қуруқ қўл билан меҳмонга борган кишини ҳам мезбон кўкрагидан итармаслиги мумкин, очган эшигини қарсиллатиб ёпиб қўймайди. Бу ҳам кишиларга зарар етказмайди. Қармоқсиз дарёга бориб, кун бўйи қўли билан балиқ тутмоқчи бўлган овчи ҳам кулги бўлиши мумкиндир, аммо жамиятга зиён келтирмайди.

Лекин адабиёт майдонига кириб, бўш-баёв, саёз, хом асарлар битадиган ижодкордан халқ — ўқувчи кўпроқ жабр чекади.

Ёш қаламкашлар сафида у-бу ҳикоялар ёзишга жаҳд қилаётган одам сифатида менинг ҳам ҳозиргача англаганим шу ҳақиқат бўлиб турибди. Шунинг учун, аввало, тилимизни ҳар куни ўрганишга, адабиётимизни кўпроқ ўқишга, ҳаётни кузатишга интиламан. Айримлар каби бировнинг алдаш учун эмас, ўзимнинг тафаккуримни бойитиш ниятида қарийб ҳар куни имкон топганча мутолаа билан шуғулланишни яхши кўраман.

...Яқинда Баҳодир Қобулнинг «Энашамол» китобини ўқидим. Ишонасизми, мен учун катта янгилик, топилдиқ китоб бўлди. Адабиётимизда ҳадеб кўриниш бераверадиган бу ёзувчининг тили қизиқтириб қолди. Ажаб, ўзбекча, ширали тил! Болакай-ровийга қўшилиб, ҳаётингизнинг энг гўзал дамлари — болаликка қайта оласиз... Соғинчингизни турткилаб уйғотади бу асар.

Ҳаётнинг бир олтин қоидаси бор: барча жисмлар ишлатилган сайин, вақт тегирмони айланган сари, емирилиб, таъм-тусини йўқотиб боради. Лекин шу қонунга терс бир ҳақиқат ҳам мавжуд: асл адабиёт, яхши асарлар қанча вақт ўтса-да, қанча кўп, такрор ва такрор ўқилгани сайин мазаси чиқаверади, ширази ортаверади...

Мен адабиётни тасаввур қилишдек мўъжизани тақдим этгани ва ўз тасаввурингизни бошқаларга етказиш, керак бўлса, мерос қилиб қолдира олиш имконини бергани учун яхши кўраман.

Адабиётда икки қусурни ёмон кўраман: бировларнинг кучи, ёрдами билан ижодкор саналишни ва ўзидан бошқа ҳеч кимни тан олмайдиган, ўзгаларни муносиб санайдиган ижодкор бўлишни. Бундай ижодкорларнинг биринчи тоифасининг қиёфасини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам «Ёзувчи» деган ҳикоясида раис образи орқали жуда моҳирона тасвирлаган.

Иккинчи тоифа... Улар ҳақида гап кетганда Афандининг мактуб битишига оид латифа эсга тушади.

...Бир куни Афанди хат ёзаётган экан, уни кўрган дўсти сўраб қолибди:.

— Нима қилаяпсиз, Афандим?

— Хат ёзаяпман, — дебди Афанди.

Дўсти:

— Ахир, сиз ёзишни билмайсиз-ку, — деса, Афанди:

— Ҳечқиси йўқ, у ҳам ўқишни билмайди, — деган экан.

Ҳозир кўпчилигимиз ана шу Афандига ўхшаймиз: нима ёзаётганимизни билмаймиз. Лекин энг чатоғи, уни ўқиган одам камчилигимизни тушунмайди, сезмайди, деб ўйлаймиз.

Менинг тушунчам бўйича, ана шу қусурни йўқота олмоқ ҳақиқатда бадиий ўсмоқ деганидир.

Вазира ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

Давлат мукофотига номзодлар

ҚИММАТЛИ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Мустақиллик замонида миллий маданиятимиз ва санъатимизни дунёга кўрсатиш, тарғиб қилиш учун барча имкониятлар вужудга келди. 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ва унинг доирасидаги мумтоз мусиқа маданиятимизнинг оламшумул аҳамияти, илмий муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ҳам бу борада муҳим қадам ҳисобланади. 2003 йил Шашмақом ЮНЕСКО қароргоҳида “Жаҳон номоддий мусиқий меросининг бебаҳо дурдонаси” сифатида эътироф этилди.

Шукрки, бугун мақомот тарихи, унинг шаклланиш ва ривожланиш масалаларининг илмий-амалий аспектларини мукаммал ва муфассал ўрганган ва ёшларга ўргатаётган етук олимлар ва мутахассисларимиз бор. Улардан бири таниқли санъатшунос олим, профессор Отаназар Матёқубовдир. Олим қарийб 50 йилдирки, мусиқий меросимизнинг гултожи бўлмиш мақомлар оламида сайр қилмоқда. Ўтган давр мобайнида О.Матёқубов қатор монографиялар, илмий мақолалар чоп этди. Айниқса, сўнгги ўн йил давомидаги заҳматининг маҳсули ғоят баракали. Хусусан, “Мақомот”, “Бухоро Шашмақомига яна бир назар”, икки жилддан иборат “Узбекская классическая музыка” (“Ўзбек классик мусиқаси”), “Истоки и принципы хорезмской нотации” (“Хоразм нота ёзувининг тарихи ва тамойиллари”) номли монография ва қўлланмалари, шубҳасиз, нафақат ўзбек халқининг мусиқий мероси, балки Шарқ, жумладан, тожик халқининг мумтоз мусиқасига оид қимматли тадқиқотлар ҳисобланади.

Буюк бастакор, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муаллифи Мутаваккил Бурҳонов О.Матёқубовнинг илмий изланиш ва маҳсулдорлигига баҳо бераркан, жумладан, “Марказий Осиё халқларининг ўтмиш, ҳозирги ва келажак мусиқий маданиятини Шашмақомсиз кўзга келтириш мумкин эмас. Бу классик мусиқа фазилатларининг барчасини сарҳисоб этиш қийин. Менинг назаримда, Отаназар Матёқубовнинг китобида уларни идроклаш учун йўл очувчи ҳаққоний сўзлар топилганга ўхшайди”, деб ёзади.

Китобда Ўзбекистонда ҳар бир воҳа мақомларининг келиб чиқиши, ривожи ва ўзига хосликларини шарҳлаш баробарида, мақомот асослари (парда, усул, шакл), мақом назми (шеър ва мусиқа азалдан бир-бирига яқинлиги), ижрочилик (овоз ва чолғулар) каби масалаларга теран назар ташланган. Шунингдек, замонамизнинг 50 нафарга яқин мақом ижрочиларининг ҳасби ҳоли ва куйлаган тароналари тазкира сифатида келтирилган. Мазкур китобга хорижлик мутахассислар — Дортмунд университети профессори Теодор Левин (АҚШ), санъатшунослик доктори, профессор Аслиддин Низомов (Тожикистон) ва бошқалар ҳам катта баҳо беришган.

Ушбу тадқиқотнинг асосий тамойилларини “Бухоро Шашмақомига яна бир назар” монографиясида ҳам кўрамиз. Китобда “шашмақом — бу чинакам илмий негизларга таянган улкан мажмуа — мусиқий санъат кошонаси” сифатида ҳар томонлама, тарихий манбалар (жумладан, Мавлоно Наҳмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али рисолалари ва бошқа тадқиқотчилар рисолалари) асосида қиёсий таҳлил қилинган.

Монография энциклопедик аҳамиятга эга. Унда Шашмақом тушунчаси зоҳир бўлишининг илк даври (1847-1920 йиллар), Бухоро Шашмақомининг тўлиқ таркиботи ҳамда Рост—Панжгоҳ мақомидаги нотолар қизиқарли талқин этилган. Тадқиқотда мусиқашунос алломалар асарларидаги маълумотлар, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун ислом дунёси учун ниҳоятда қадрли экани бот-бот таъкидланади. Олимнинг “мусиқий Шашмақом” тушунчаси ҳақидаги илмий аргументлари алоҳида эътиборга молик. Ва у шу хулосага келадики, “мусиқа ижтимоий омил бўлиб, у ижтимоий эҳтиёж ошиши билан гуллаб-яшнашга юз тутган. Талаб пасайиши билан инқироз бошланган”. Яъни Отаназар Матёқубовнинг хулосасига кўра, шашмақомнинг мусиқий тизим сифатида шаклланиши ва тараққий топишини бир сидра равон йўлдек тасаввур этиш ноўрин. Монографияда таъкидланишича, Шашмақомнинг тарқалишида икки асосий удум қарор топган. “Биринчиси нуфузли мақом мухлисларининг диққатига ҳавола этиладиган қатъий қонунлар асосидаги ҳашаматли сарой услуби, иккинчиси мақом йўлларини саройдан ташқари ва кенг доирада, тўй-ҳашамлар, базму зиёфатлар, гапу гаштакларда эркин жорий этиладиган маъмулий, яъни амалдаги халқчил кўриниши”.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви асносида “Хоразм танбур чизиғи” деб номланган нота тизими яратилганига юксак урғу бериб, бундай ноёб ва буюк мусиқий меросимизни топиб, уни ўрганиш ва тарғиб этишга улкан ҳисса қўшган мусиқашунос олимлар қаторида Отаназар Матёқубов номини алоҳида тилга олди.

Ўйлаймизки, олим Отаназар Матёқубовнинг “Хоразм нота ёзувининг тарихи ва тамойиллари” номли монографияси мазкур мавзунинг кўп жиҳатларига ойдинлик киритади ва ёш тадқиқотчилар учун муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади. Айнан шундай фикрларни муаллифнинг “Ўзбек классик мусиқаси” (рус тилида) номли икки жилддан иборат қимматли асари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Мазкур китобнинг иккинчи жилди ниҳоясида атоқли мусиқашунос олим “Мақом – юксак санъат. Шашмақомдаги изланишлар ҳали ҳар авлоднинг савияси ва эҳтиёжига яраша давом этаверади”, деб ёзади. Демак, О.Матёқубов мумтоз мусиқа ҳақидаги тадқиқотлар туркумини самарали давом эттиради.

Хуллас, Отаназар Матёқубовнинг халқимиз беназир маънавий мероси бўлмиш мақомларнинг тарихи, ривожи ва уларнинг тадқиқоти бўйича мавжуд муаммолар хусусидаги туркум монография ва қўлланмалари Давлат мукофотига муносибдир.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор
Шуҳрат РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди,
Шоқаҳҳор САЛИМОВ,
журналист

РАНГИН ҲАЁТ ТАЛҚИНЛАРИ

Саодат йўлига тутиниб, икки дунё саодатига эришмоқликни бизда фақат илм йўли билан белгилашади. Дарҳақиқат шундай, бироқ илм деганда биз нафақат оламшумул ихтироларни, келажакда жуда катта иқтисодий фойда келтириши мумкин бўлган лойиҳаларни ёки олам асрорини билишга қаратилган кашфиётларни тушунамиз. Дунёда яна шундай инсонийлик илми борки, у кишилар маънавий камолоти учун хизмат қилади, унинг туйғулар оламини бойитади, гўзалликни севишга, тушунишга ўргатади.

Санъатшунослик фанлари номзоди Шохалил Шоёқубов асарларини ўқиганда, унинг серқирра ҳаётига ва ижодий фаолиятига назар ташлаганда чиндан маънавиятимиз камоли учун курашаётган санъатшунос фаолиятини кўз олдимизга келтирамиз. Агар илм йўли кўпчилик учун университет таълими ёки аспирантура (ҳозир докторантура)дан бошланган бўлса, Шохалил ака санъатшуносликдай нафосат илмининг сир-асрорини энди ўргана бошлаганида уни юртимиз улуғлари амалий фаолиятга йўллади: ҳали ўзи оддий аспирант бўлишига қарамай, “Усто” каби ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасини бошқаришдай масъул ишга жалб этилди, юртимиз номидан бошқа мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва анжуманларга вакил қилинди. Албатта, шу каби амалий фаолият, кўплаб тадбирлар сабаб номзодлик диссертациясини кечроқ ёқлаганига қарамай, амалда улуғ устозлар дуосини олгани туфайли ўзбек амалий санъатини кўз-кўз қиладиган асарлар муаллифига айланди.

Миниатюра санъати қанчалик қадимий бўлмасин, у шу кун кишилари ҳаёти билан пайвандлангандагина келажакка асқотарли санъат тури бўлишига ишонган олим “Ўзбекистон архитектурасида миллий амалий санъат анъаналари” мавзусида диссертация ёқлади. Ўзбекистоннинг бугунги миниатюра рангтасвири ҳақида рангин тасаввур берувчи “Мусаввир” (1994) китобини яратди. Икки тилда (ўзбек ва рус) ёзилган бу китобдан ўзбек амалий санъатида миниатюра мактабини жорий этишга уринаётган Н.Холматов, Ш.Муҳаммаджонов, Ғ.Камолов, М.Сотиболдиева, А.Йўлдошев ва бошқа истеъдодли рассомларнинг асарлари ўрин олган. Бу мураккаб санъат сирларини қаламга кўчирган муаллиф орқали ранглардаги маънони уқиб олишга, ҳар бир чизги остидаги туйғулар қатламини илғашга ҳаракат қиламиз. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда тузилган “Саодат йўли” китоби аввалгиларга ўхшамайди. Бу китобда Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб замонамиз аллоларнинг асарлари билан таништиради. Ушбу китоб кўҳна шеъриятимизнинг ўлчови аруз қанчалик мураккаблигига қарамай шоирлар эътиборида бўлгани каби, қадимий миниатюра ўнлаб истеъдодли ўзбек рассомлари қисматига айланганининг гувоҳи бўламиз. Китобнинг “Шоҳқоғоздаги тасвирлар”, “Терига ишланган тасвир”, “Замонавий лок ва миное усулидаги тасвир”, “Кадига ишланган тасвир” каби бўлимлари бунинг исботидир. Замонавий миниатюрачи рассомлар нафақат миниатюра санъатининг техник жиҳатларини, балки ўрта асрлар Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, айниқса, адабиётини чуқур ўрганганлари алоҳида таъкидланади. Мусаввирлар асарни талқин этишда миллий колорит, халқнинг турмуш тарзи, ранг ва оҳанг уйғунлиги, инсон қалбининг нозик жиҳатларига усталик билан мурожаат қилишлари баён этилади. Шунингдек, миллий ўзига хослик, эстетик дид, маънавий қарашларни шакллантирувчи ва уларга сайқал берувчи миниатюра санъати бугунги кунда, айниқса, ёшларни тарбиялашда муҳим эканлиги алоҳида таъкидланади. Ушбу китоб-албомга илова қилинган иллюстрациялар миниатюра санъати жанрларига кўра алоҳида-алоҳида берилгани унинг қийматини янада оширади.



“Ўзбекистон замонавий миниатюраси” китоб-албоми 2006 йили Москва халқаро китоб ярмаркаси доирасида ўтказилган “Китоб санъати” халқаро танловининг ғолиби бўлган, шунингдек, 2007 йили Қувайтда Амир Саббаҳ ал-Аҳмад ал-Жабир ал-Сабоҳ раҳбарлигида араб ва инглиз тилларида нашр этилиб, бутун дунёга тарқатилган.

Устоз санъатшуноснинг мазкур асари Давлат мукофотига ҳар томонлама муносиб, деб ўйлаймиз.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Эътироф

ЕТТИ ИҚЛИМ САНЪАТКОРИ

Бир пайтлар таниқли адиб, давлат арбоби Шароф Рашидов суҳбатларидан кўп бор баҳраманд бўлганман. Уларнинг ҳам 100 йилликлари нишонланаётганини эшитиб, юртингизда ижодкорга, санъаткорга бўлган ҳурмат анча кучли ва самимий эканига яна бир карра гувоҳ бўлдим.

Она ватани, халқи учун хизмат қилган буюк зотлар хотираси доимо эъзозу эътиборга, чуқур эҳтиромга лойиқ. Мазмунли ижоди билан халқимизнинг ардоқли санъаткори, чинакам фарзандига айланган Комилжон Отаниёзов ана шундай инсонлар сирасига киради.

“Санъат воситасида халққа хизмат қилишни ўз ҳаёти, бутун борлиғининг маъно-мазмуни деб билган Комилжон Отаниёзов қисқа умри давомида мумтоз мусиқа санъатимизни янги, юксак босқичга кўтарди. Ўзининг ғоят ноёб, айтиш мумкинки, илоҳий ва соҳир овози билан ўзбек маданиятини, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этди”, — деди Юртбошимиз ҳофиз таваллудининг 100 йиллик байрамига йўллаган табригида. Хоразмда бўлиб ўтган мазкур байрам тадбирлари доирасида юртимиз ҳамда қўшни давлатлардан ҳофизни яхши билган-таниган маданият ва санъат намояндалари ҳам иштирок этди. Улар орасида Тожикистон халқ артисти, Рудакий номидаги Тожикистон давлат мукофоти лауреати **Жўрабек Муродов** ҳам бор эди.

— Хоразмга ўттиз йил аввал келганимда сўнгги бор устоз қабрини зиёрат қилгандим, — деди у ҳаяжон билан. — Ўшанда шу ерларга бир ниҳол экгандим. Бугун келиб кўрдимки, ўша ниҳол ўрнида кенг қулоч ёзган азим дарахт пайдо бўлибди. Бу одамлар эмас, халқларимиз қардошлиги, устозимиз Комилжон ака билан неча йиллик ижодий ҳамкорлигимиз, қадрдонлигимиз рамзи бўлиб туюлди менга.

Хоразм бугун тамомила бошқача, таниб бўлмас қиёфа касб этиб турибди. Устоз қабрлари қайтадан обод этилгани мени ғоят хурсанд қилди. Ўзининг камтарона ижоди билан нафақат ўзбек санъати, балки Марказий Осиё маданияти ва маънавияти ривожига ҳисса қўшган ҳофиз хотирасига ҳукумат миқёсида эътибор кўрсатилаётгани бизни тўлқинлантирди. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган Комилжон Отаниёзов номидаги ижод маркази ва ҳофиз уй-музейида бўлганимда, беихтиёр санъаткор билан ҳамнафас юрган вақтларим кўз ўнгимдан бир-бир ўта бошлади.

Тан олиш керак, турли халқлар ўртасидаги алоқаларнинг туб замини адабиёт, маданият ва санъат билан чамбарчас боғлиқ. Куй-қўшиқ турли миллат одамларини қалбан, руҳан яқинлаштиради, улар билан ҳамдўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарини боғлайди, ўзаро қардошлик ҳиссиётуйғуларини шакллантиради. Биз билан қўшни давлатлар кўп, аммо тожик халқ қўшиқлари, мақомлари ва куйларини ўзбек созандалари, хонандалари каби маромига етказиб ижро этадигани кам топилади. Комилжон Отаниёзовнинг ҳам ўзаро дўстлик, қардошлик муносабатларини тараннум этишда хизматлари беқиёс. У чин маънода бетакрор ижод соҳиби, буюк истеъдод эгаси эди.

ХХ аср ўзбек мусиқа санъати тарихида беназир овозини из қолдирган ҳофиз бугун нафақат ўзбек миллати, балки бошқа қардош халқлар юрагида ҳам умрбоқий қўшиқлари билан абадий яшаётгани бежиз эмас, албатта. Ўзбекистон, Туркманистон ва Татаристон халқ артисти, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби К.Отаниёзов ўша даврнинг ҳам ҳофиз, ҳам созанда, ҳам моҳир бастакори сифатида ўзидан бетакрор ижодий мактаб қолдирди.

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

Ўзбекистон ва жаҳон

ХИТОЙДА МИЛЛИЙ РАҚСЛАР КЎРИГИ

Ўтган йил сентябр ойида Пекин шаҳридан юртимизга ташриф буюрган таниқли хитойлик рақс мутахассислари “Ўзбекистон” ансамблининг концерт дастурини томоша қилиб, профессионал ижодатдан мукаммал яратилган “Тановар”, “Дилхироҳ”, “Наманганнинг олмаси”, “Муножот”, “Етти гўзал” каби ўндан ортиқ рақс композицияларини ўз лойиҳаларига киритишганди. Ижродан таъсирланган рақс санъати намояндалари мазкур асарлар Хитойда ўтадиган халқаро фестивал мавқеини ошириши, олтмишдан ортиқ давлатдан ташриф буюрадиган рақс жамоалари орасида нуфузли совринга эга бўлиши мумкинлигини айтишганди. Ҳақиқатан ҳам устоз балетмейстер, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминовнинг юртимиз маданияти ва санъати ютуқларини ўзида мужассам этган, халқимизнинг кўп асрлик анъанавий ўйинлари, халқ ва мумтоз рақслари дунёнинг истаган давлатида шуҳрат қозониши тайин.

Куни кеча “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамблининг қирққа яқин жамоаси Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтадиган халқаро рақс фестивалида иштирок этиш учун Урумчи вилоятига жўнаб кетди. Ансамблнинг энг ёш истеъдодли раққосаси Дилором Мадраҳимова бу ҳақда шундай деди:

— Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори биз ёшларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Бундай ғамхўрлик ва эътибор меҳнат қилишга, дадил изланишга, истеъдод ва маҳоратимизни янги саҳна асарлари яратиб, санъатсевар ҳалқимизга тақдим этишга чорлайди. Ўзим ва тенгдош санъаткорлар юртимиз жаҳоннинг энг илғор ва юксак маданиятга эга давлатлари қаторидан ўрин эгаллаши учун куч ва маҳоратимизни аямаймиз.

Маданият вазирлиги “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси уюштирган, Хитойда намойиш этиладиган дастурнинг жамоатчилик кўригида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Шокир Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Карима Узоқова, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси мутахассиси Гуласал Усмонова, Маданият вазирлигининг бошқарма бошлиғи Алишер Жамолиддинов ансамблнинг ижодий ютуқлари ҳақида гапириб, ёш ва устоз раққосаларга муваффақият тиладилар.

Аҳмаджон РАҲИМОВ,
“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси
бош мутахассиси

Луқма

САҲНА ПАРДАСИ ҲАЁ ПАРДАСИМАСМИ?..

Бундан икки йилча олдин Ўзбек Миллий академик драма театрида қўйилган “Алишер Навоий” (Уйғун ва Иззат Султон асари) спектакли тақдимотида қатнашгандим. Томошадан сўнг бўлган муҳокамада таниқли мутахассислар спектакл ютуқларини эътироф этган ҳолда, мавжуд камчиликларга ҳам тўхталишганди. Устозлар айтган ўринли танқидлар ўша вақтда менинг ҳам кўнглимдан ўтганди. Муҳокама сўнгида барча фикрлар инобатга олиниб, камчиликлар бартараф этилган ҳолда спектаклни томошабинларга кўрсатиш ҳақида таклиф билдирилди. Тадбирдан камчиликлар тўғриланишига ишонч билан чиққандик.

Яқинда бир неча талаба билан шу асарни кўргани театрга бордик. Очиғи, ҳайрон бўлиб қолдим. Спектакл худди тақдимотда кўрганимиздек намойиш этилди. Ушбу ҳолат ўша вақтда хаёлимдан ўтган гапларни қоғозга туширишга ундади.

Шубҳасиз, мазкур спектакл ўз даврида воқеа бўлган саҳна асарлари сирасига киради. Лекин асар ёзилган ва қўйилган вақтдан буён анча сувлар оқиб ўтди. Кўп воқеаларга қарашлар ўзгарди. Спектаклнинг бугунги талқинида эса ҳеч нарса ўзгармаган.

Бир қарашда ҳаммаси кўнгилдагидек: таниқли актёрлар ансамбли, Ҳирот манзараларини ёдга солувчи маҳобатли декорациялар, кўркам либослару ранг-баранг реквизитлар. Оммавий саҳналарга ҳам эътироз йўқ, театрнинг қарийб ярим жамоаси шу спектаклга жалб этилган. Унда гап нимада?

Аввало, спектаклда Навоий шахси ва даҳоси ҳануз эскича, олтмиш-етмиш йил аввалги қарашлар билан талқин этилаётгани ажабланарли. Хусусан, Навоий ва Бойқаро муносабатларини эзгулик ва разолат ўртасидаги оқ-қора бўёқ орқали акс эттириш бугун мутлақо асоссиз. Фикримизча, драма муаллифлари таназзулга кетаётган давр инқирози ҳамда улуғ шоирнинг ижтимоий фаолиятини кўрсатиш учун шу сюжетга урғу беришган. Бироқ собиқ тузум мафкураси бу икки дўстни контраст қаҳрамонларга айлантириб қўйганди.

Мозийдан аёнки, Ҳусайн Бойқаро салтанат ишларидан ташқари, шеърият билан ҳам шуғулланган, “Ҳусайний” тахаллуси билан гўзал шеърлар ёзган. Ҳатто ҳазрат Навоий Бойқаро ижодига юксак баҳо бериб, бу хусусда “Мажолис ун-нафоис”нинг саккизинчи фаслида алоҳида сўз юритади. Спектаклда эса унинг назмий салоҳиятидан асар ҳам сезилмайди. Бундан ташқари, Навоий Гулини кўриш учун тўппа-тўғри шоҳ ҳарамига кириб боради ва Бойқаро уни шу ерда учратади. Бу ҳолат Шарқ одоб-ахлоқи, қолаверса улуғ шоир маънавиятига мутлақо зид.

Алишер Навоий ва у яшаган жамият ҳақидаги қарашлар ҳам бугун ўзгарган. Демак, кечагидек Мажидиддин ёки Мансур тоифасидаги салбий персонажларга ҳуда-беҳуда зўр бериб, Бойқарони Навоийга қарши қўяверишнинг шарт эмас.

Қолаверса, тарихдан аёнки, Мўмин Мирзо ўлдирилганида Мажидиддин бу дунёдан ўтганига уч йил бўлган. Булар ўз даври учун типик қаҳрамонлар, иккинчидан, Навоийдек йирик сиймолар фожиасини маълум ғаддор кимсаларгина белгилаб бермайди. Шоирнинг улар билан зиддияти шунчаки драма конфликтини кучайтирувчи омил, холос...

Сир эмаски, барча санъатлар қатори театрнинг ҳам талабу мезони, шакл-шамойили кун сайин ўзгариб бораётир, зеро, шиддатли даврнинг ўзи шуни тақозо этмоқда. Замонавий саҳна ижодкори кечаги қарашу тушунчалар билан яшаши ё томоша кўрсатиши мумкин эмас. Айниқса, Алишер Навоийдек ҳар қандай замону макондан устун турувчи ШАХСлар ҳақида спектакл қўяётганда, чунонам эҳтиёткор бўлиш зарур. Назаримизда, Миллий театр жамоаси “Алишер Навоий” спектаклини яратиш жараёнида тажрибали мутахассислар билан бамаслаҳат иш тутганида, яна ҳам аниқроғи, мутафаккир ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилувчи янги асар саҳналаштирилганида кўзланган мақсадга эришилган бўларди.

Шохрух АБДУРАСУЛОВ,
театршунос

ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШИБ

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказлари, шаҳар, туман, қишлоқларда маданий-маърифий тадбирлар, таниқли ва ёш хонандалар гастрол сафарларининг ҳудудий доирасини кенгайтириш - режасини ишлаб чиқди. Режага мувофиқ шу йилнинг 22 июлида Ўзбекистон халқ артистлари Зулайхо Бойхонова, Гулсанам Мамазоитова, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Яҳё ва Муҳсин Мўминовлар ҳамда ёш эстрада хонандалари Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида дастлабки гастрол сафарида иштирок этишди. Туман маданият ва аҳоли дам олиш марказида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар санъатсевар халқимизга олам-олам завқ бағишлади. Ижодий учрашувларда маҳаллий аҳоли, туманнинг ёши улуғ кексалари, ёшлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан чексиз миннатдор эканликларини изҳор этишди.

Йиғилганлар билан суҳбатлардан шу нарса аён бўлдики, яқин кунларда туманда яшаётган аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлангани катта бир байрамга айланган бўлса, мазкур маданий-маърифий тадбир шодиёнанинг давоми сифатида одамларга яна бир карра кўтаринки кайфият улашди. Тадбир иштирокчилари бундай эзгуликлар учун давлатимизга, Президентимизга миннатдорлик билдиришди.

Музаффар САЙФУЛЛАЕВ,
“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси матбуот котиби

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Инсон табиатан билишга қизиқади. Ўзини ўраб турган оламни, унинг сиру синоатларини билишга, англашга бўлган қизиқишлари туфайли одамзод бугунги кунга қадар қандай улкан ютуқларга эришгани барчамизга яхши аён. Шундай қизиқиш, интилиш бўлмаса эди, эҳтимол, ҳозирги илм-фан соҳасида забт этилган чўққилар, оламшумул кашфиётлар ҳам бўлмас эди.

Инсон ҳамма нарсадан ҳам кўра ўзини, ўзлигини билишга қизиқади. Билишнинг эса йўллари, усуллари кўп. Шулардан бири – саёҳатдир. Ўз навбатида саёҳатнинг ҳам турлари бисёр. Қизиқ бир китоб ўқисангиз – бу ҳам саёҳат. Дилбар куй-қўшиқ эшитсангиз – бу ҳам гўзаллик, нафосат оламига саёҳат. Набирангизни суйиб, эркалаб, ширидан-шакар сўзларини завқ билан тингласангиз – бу ҳам саёҳат, ёшликка, болаликка саёҳат.

Саёҳатлар ичра яна бир мароқлиси дунё кезиш, ўзга юртларни кўриш, бир сўз билан айтганда, жаҳонгаштаклик. Халқимизда “дунё кўрган”, “юрган – дарё, ўтирган – бўйра”, “кўп кўрган – кўп билади” деган иборалар бор.

Ҳамроҳларингиз яхши инсонлар бўлса, саёҳатнинг гашти, сурури беқиёс, нур устига нур.

Бу фикрларнинг тасдиғини 2015 йилнинг ноябр ойида Европанинг бир қатор мамлакатлари бўйлаб амалга оширган саёҳатимиз давомида амалда кўрдик.

Хуллас, гапнинг индаллосига кўчадиган бўлсак, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли Агроахборот инновация маркази ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидан, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятларидан жами 37 нафар фермер, тадбиркор, ишбилармон юртдошимиз Европадаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида сафарга отланадиган бўлишди. Тошкент вилояти Паркент туманининг “Паркент тонги” газетаси муҳаррири, қаламдоши, бир ижодкор сифатида, мени ҳам шу гуруҳга лозим кўришган экан, рози бўлдим.

Аввало, шуни айтиш керакки, бундай саёҳат, тажриба алмашишлар, дунёга чиқиш бўйича яратилаётган имкониятлар мамлакатимизда фермерлик ва тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирларнинг бир қисми, холос. Бу ҳақда сўз юритганда, шу йўналишда қабул қилинаётган кўплаб қонунлар, қарор ва фармонлар тўғрисида, албатта, жуда кўп гапириш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 2012 йил 22 октябрдаги фармони, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кейинги пайтда қабул қилинаётган кўплаб қарор ва фармонлар, дастурлар бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Зикр этилган ҳужжатлар, шунингдек, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва кафолатлар яратиб берадиган Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари юртимизда фермерлик фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ишончли ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари катта бунёдкор кучга айланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бермоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи мустақилликдан олдин импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Хуллас, сиёсат мавзусидан чекиниб, саёҳат мавзусига қайтадиган бўлсак, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси қошида ташкил этилган Агроахборот инновация маркази директори Мирзоҳид Йўлдошевнинг ташаббуси билан мамлакатимизнинг кўзга кўринган фермер ва тадбиркорлари ҳамроҳлигида Европанинг бир қатор давлатларига борадиган бўлдик. Фермер ва тадбиркорлар хорижлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиб, ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузиб, ўз жамоаларига қайтиб, янги амалий ишларни бошлаш ҳақида кўпроқ ўйлаган бўлсалар, умр бўйи она юртидан бир қадам четга чиқиб ўрганмаган камина ушбу саёҳат шартмикан, қандай бўлар экан, деган ҳиссиётлар қуршовида қолган эдим.

Айни пайтда, тан олайин, кўнгилда бошқа бир туйғу ҳам бор эди. Бундай бахту толега етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун яхши ниятлар, шукроналик туйғуси билан, оилам, фарзандларим, ёру биродарларимнинг розилиги, дуосини олиб, йўл сари равона бўлдим.

Азиз ўқувчи, мен бадиий адабиётга, ижодга дахлдор инсон сифатида бу йўлда нимаики ишга чоғлансам, аввало, улуғ устозлардан мадад тиладим, уларнинг маслаҳат ва кўрсатмаларига, ижодий тажрибаларига амал қилган ҳолда иш тутдим. Ана шу анъанага риоя қилган ҳолда, сизга тақдим этаётган бу саёҳат дафтаримни **“Европа саёҳати: ҳайрат ва шукроналик”** деб аташга қарор қилдим. Бунинг сабаби, биринчиси – Европа бўйлаб амалга оширган саёҳатимиз дастлабки дақиқаларидан бошлаб сўнгги сонияларигача ҳайратдан, айни пайтда қадим қитъани бугунги кунда қамраб олаётган муаммоларни кўриб, жиндак хавотирга тушишдан иборат бўлди. Инсоният шунча машаққатлар билан эришган тараққиёт ютуқларидан эзгулик йўлида фойдалана оладими? Ҳозирги ривожланиш чўққисидан, худди лаънатланган Сизиф сингари яна тубанлик сари юмалаб кетмайдими? Биргина 2016 йилнинг ўзида Европанинг қоқ марказида – Париж, Ницца, Брюссель шаҳарларида бир неча бор қонли террорчилик ҳаракатлари содир этилди. 2017 йилда эса Париж, Лондон, Брюсселда яна террорчилик ҳаракатлари юз берди. Яқин Шарқ минтақасидаги нотинчликлар туфайли бу қитъага қочқинлар оқими бир зум тўхтамаяпти. Муҳожирлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги зиддиятларнинг ўзи – яна бир ўткир муаммо. Бошқа томондан жаҳон иқтисодий инқирози янгитдан забтига олмоқда. Яна бир ёқдан глобаллашув жараёнлари маънавий-ахлоқий масалаларда янги-янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Хуллас, Европанинг бошида минг бир муаммо, минг бир ғавғо, минг бир тўполон. Табиийки, яшил қитъа сари йўл олган оқил ва кўпни кўрган мардум фақат унинг хушрўй чеҳраси, пўрим қиёфаси ҳақида эмас, ана шу муаммолар тўғрисида ҳам ўйлайди.

Ҳайратнинг боиси, ўйлайманки, сиз – зукко китобхонимизга тушунарли: Ғарб дунёсининг ҳозирги кундаги тараққиёт даражаси кимларни ҳайрат ва ҳаяжонга солмайди дейсиз. Яна бир жиҳати юртимиз – Ўзбекистонимиз мустақил бўлиб, дунёни кезиш, Европанинг энг ривожланган мамлакатларида бошга дўппини дол қўйиб, кўкракни кериб юриш насиб этганидан ҳар қадамда кўнглимизда шукроналик туйғуси жўш урар эди. Тўғри-да, бундан 25 йил олдин Европада ўзбекни, Ўзбекистонни ким ҳам танир эди. Энди, қарангки, нафақат танийди, керак бўлса, ҳисоблашади ҳам. Бунга шукрона айтмай, бундан фахрланмай бўладими, ахир!

Иккинчиси – ҳозиргина таъкидлаб ўтганимдек, улуғ устозлар тажрибаси бу борада ҳам менга кўл келди. Маълумки, буюк Алишер Навоий бобомиз “Хамса” асарининг биринчи достонини “Ҳайрат ул-аброр” – “Яхшиларнинг ҳайрати” деб атаганлар. Ҳақиқатан ҳам, бу олам илм-маърифат излаган зотлар учун ҳайрат ва ҳикматга кондир.

Беназир устозимиз Абдулла Орипов – жойлари жаннатда бўлсин – “Борлиқ гўзалликлар берару бизга, Эвазига фақат ҳайрат сўрайди”, деб ёзган эдилар. Ҳайрат – гўзалликка гўзал ва мантиқий жавобдир. Қалби пок ва гўзал инсонгина ҳайратланишга қодир.

Ҳамма нарса қиёсда билинади, дейдилар. Бундан 25 йил олдинги даврга назар ташлайдиган бўлсак, илгари бундай улуғлик, ўзлигимиздан бу қадар фахру ифтихор тушимизга ҳам кирмас эди. Бу – айни ҳақиқат. Истиқлолдан олдин деҳқонларимиз машаққатли меҳнати эвазига раҳмат ўрнига туҳмат ва маломатларга дучор бўлардилар. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деган бўҳтон ва туҳмат гаплар билан қатағон кампаниялари уюштирилиб, халқимиз, айниқса, пахтакорларимиз, деҳқонларимиз бошига не-не қора кунлар солинмади. Бугунги кунда қўрқинчли тушдек орқада қолган ана шу зулм-зўравонлик замонида деҳқонларимиз вақти келиб ер ва мулк эгаси бўлиб, ўзлари фермер хўжаликлари ташкил этиб, ўзбек иши ҳақиқатда қандай бўлишини бутун дунёга намоён этишни тасаввур ҳам қилолмас эдилар.

Мана, орадан бор-йўғи чорак аср вақт ўтиб, Ўзбекистон фермерлари ҳақиқатан ҳам катта, қудратли кучга айланиб, дунё иқтисодиётидан, сиёсатидан пухта хабардор, ўз ишининг моҳир устаси, кўп тармоқли, замонавий хўжаликлари бўлган, ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри чет элга экспорт қилиб, илғор бошқарув усуллари, агротехнологияларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳияти юксак инсонларга айланди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки нафақат қишлоқ хўжалиги, балки бутун мамлакатимиз тараққиёти ана шу янги синф – фермер ва тадбиркорлар синфига боғлиқ.

Бу улуғ ишларнинг ташаббускори ва асосчиси Биринчи Президентимиз Ислом Каримов экани, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги шиддатли даврда юксак мақомда изчил давом эттираётганини бутун дунё эътироф этмоқда.

Албатта, бу фикрлар сафардан қайтиб келганимиздан сўнг бафуржа қоғозга туширилган бўлса-да, улар дастлаб дилимга самода тушди. Ўзбекистонимиз байроғи тасвири туширилган ҳаво кемамиз кўкка кўтарилиб, она заминдан 10-11 минг метр баландликда Оврупо сари елиб борар экан, жисму жонимни сўз билан ифода этиб бўлмайдиган алланечук туйғулар қамраб олди. Йўқ-йўқ, самолётда илк бор учишим эмас, мен она Ватанимдан биринчи марта шунчалик узоққа кетаётгандим. Ўзбекистон – ота макон, жонажон юртим бамисоли мен билан бирга борарди. Ҳали юртдан кетмасдан туриб уни соғина бошладим.

ҲАЙРАТ ВА ШУКРОНАЛИК

КЎКДАГИ ТААССУРОТЛАР

Одамзод юксакликни хуш кўради. Аммо, дангал гапни айтадиган бўлсам, узоқ вақт ердан баландда учиш киши дилига бироз ваҳима солар экан. Яратган Эгам учишни қуш зотига, ерда юришни эса инсонга раво кўргани бежиз эмас. Ҳар кимга, ҳар жонзотга ўзининг макони буюрсин экан. Одам учун киндик қони томган муқаддас тупроққа оёғи тегиб туришидан ортиқ бахт йўқ экан.

Соат милларига қарайман, ўн иккидан ўн дақиқа ўтибди. Осмон тип-тиниқ, қуёш чарақлаб турибди. Олам яна оқ булутлар остида қолди. Денгиз устидамиз. Денгизни кўкдан кузатар эканман, Яратганнинг қудратига яна бир бор иймон келтирдим. Қанчалар чексизлик, қанчалар улуғворлик, қуёшли, сокин ҳавода денгиз ҳам осуда тин олмоқда. Аммо унинг тубида не сиру синоатлар борлиги ёлғиз Ўзига аён.

Йигирма беш йил аввал кимдир, бир кун келиб Тошкентдан тўғри Италия пойтахти Римга учадиган бўламиз, деса, «Бор, бу чўпчагингни бошқага айт», деган бўлардим. Аммо, мустақиллик ана шу чўпчакни ҳақиқатга айлантирганига нима дейсиз?

Биз истиқлол йилларида туғилиб вояга етаётган ёшларимиз ҳақида ҳамиша фахланиб гапирамиз. Самолётимизда хизмат кўрсатаётган стюардесса қизлар тимсолида буни янада ёрқинроқ кўрдик. Улар ўзбек, рус, инглиз тилларида шу қадар равон, самимий ва ёқимли гапирардики, эшитиб, ҳақиқатан ҳам ёшларимизнинг камолидан қувонасиз. Улардан бирини суҳбатга чорладим.

Хуршида Ҳасанова, асли Қарши шаҳридан. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Уч тилни пухта билади. Тарих, география фанларидан яхши хабардор. Қатъиятли, ўзига ишончи мустаҳкам. Оилада уч опа-сингил экан, барчаси олий маълумотли, замонавий касб эгалари. Отаси Баҳриддин ака – илм-фан фидойиси, профессор. Онаси ҳозирги кунда уй бекаси экан.

— Сафимизда ўзбек қизлари кўп, – дейди Хуршида мамнуният билан. – Стюардессаликка жиддий танлов асосида қабул қилишади. Қўшнимиз учувчи эди. У кишига ҳавасим баланд бўлган. Бахтлиман, болалигимдан кўкда парвоз қилишни орзу қилардим, мана, ниятимга етдим. Ҳозирги кунга қадар дунёнинг ўттиздан зиёд давлатида бўлдим. Шукр, мустақиллик берган имконият туфайли дунё кўряпман. Турфа одамлар, турфа мамлакатлар, ҳар бирининг иқлими, табиати, шаҳарлари, одамлари ўзига хос. Кўриб ҳайратланаман, завқланаман. Аммо, бир кун ўтмасдан Ўзбекистонимизни соғинаман. Назаримда, ҳамюртларимиз қалбида Ўзбекистон қуёшининг тафти бордек. Уларнинг истараси бошқача, бирам иссиқ. Киндик қоним тўкилган тупроқ, оилам, ота-онам... Бир сўз билан айтганда, мен юртимдаги меҳрни соғинаман, муҳаббатни соғинаман. Бирон-бир ўлканинг табиатини, иқлимини, одамларини ўзимизникига ўхшатолганим йўқ. Она Ватан туйғуси, тушунчаси шулардан ҳосил бўлса керак-да!”

Ҳуршиданинг самимий сўзлари бутун Ўзбекистон ёшларининг сўзлари бўлиб туюлди менга.

Мана, ниҳоят, Италияга етиб келдик. Самолётимиз Римнинг Леонардо да Винчи аэропортига қўниш учун оҳиста пастлаб боряпти.

Пастлаганимиз сари Италия замини ўз гўзаллигини янада яққол намоён этарди. Ям-яшил водийлар, бепоён ғаллазорлар, турфа дарахтлар билан ястанган қир-адирлар... Таърифига тил ожиз. Экинзорларнинг чор тарафи ҳам дарахтлар билан ўралган. Биноларнинг барчаси кўп қаватли. Беихтиёр одамлар кўп қаватли уйларда яшаб, деҳқончилик қиларканда, деган ўйга борасиз. Бири бирига туташ бепоён ва қалин арчазорлар ҳам ажлни шоширади. Хуллас, ҳайратга муносиб гўзаллик.

Самарқандимиз каби дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланмиш Рим бизга пешвоз чиқаётган эди. Қарийб етти соатлик парвоздан кейин «Боинг-759» самолёти буюк Данте Алигерий тупроғига оҳиста қўнди. Дилларда — шукрона, тилларда хуш калом...

БОҚИЙ ШАҲАР

Мана, Ўзбекистоннинг 37 нафар фуқароси буюк тарих ва маданият мужассам бўлган Рим шаҳридамиз.

Юқорида бежиз ер юзининг сайқали деб ном олган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандни эсга олмадик. Самарқанд ва Рим дунё тарихида “боқий шаҳарлар” деган эътирофга сазовор бўлган шаҳарлардир.

Аксарият юртдошларимиз кинофилмлар, «Дунё бўйлаб» телеканали кўрсатувлари орқали жаҳоннинг кўплаб шаҳарлари ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилишган. Аммо чет элга чиқиб, хорижий шаҳар тупроғига қадам қўйиш, у ердаги ҳаётни кўз билан кўриш мутлақо бошқача таъсир қилади, албатта. Аввало, ўзга юрт ҳавосидан нафас олиш, унинг тузини еб, сувини ичиш қалбингизда меҳр уйғотади ва бу диёрга ўзгача нигоҳ билан қарай бошлайсиз.

Рим ўзининг неча минг йиллик тарихи давомида не-не синов ва офатлардан омон қолган, қанчадан-қанча босқин ва хуружларга дош берган, ҳар бир ғишти, биноси, кўчасида бутун бир тарих мужассам бўлган шаҳар.

Аэропортда бизни Агроахборот инновация марказининг Латвия давлатидаги ҳамкорлари ўша юртдан келтирилган автобусда кутиб олишди. Мана, бизга ажратилган меҳмонхона томон кетиб боряпмиз. Рим кўчалари, бу ернинг фусункор табиати, дов-дарахтлари бизни мафтун этди.

Режамизда дастлаб Римнинг ўзини ва Ватикан давлатини кўриш кўзда тутилган.

Мана, гид – йўл бошловчи ҳамроҳлигида Рим шаҳри кўчаларидамиз. Биринчи тасаввурдаёқ Рим – тош шаҳар, деган таассурот пайдо бўлади. Римликлар қадимий асори-атиқалар, тарихий биноларнинг ҳар бир ғиштини кўз қорачиғидек асрайди. Мабодо эски иморатлар ўрнига янгисини қуришга тўғри келиб қолса, жуда бўлмаганида ўша бинонинг бир устуни ёки пойдеворини, жилакурса, бир дона тошини қолдириб, унинг бир четига қайси даврга мансублигини ёзиб қўяр экан.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шуки, кўп қаватли уйларнинг балкони – болохонасида аксарият ҳолларда тувакда гул ўстирилар экан. Гул бўлганда ҳам бир-бирини такрорламайдиган, ранго ранг, нафис гуллар. Римда бундай хонадон соҳибларини эъзозлаб, «Яшил бармоқлар», деб аташар экан. Ривоят қилишларича, машҳур рус мумтоз ёзувчиси Николай Гоголь Римга сафар қилиб, унга мафтун ва маҳлиё бўлганини ифода этиш учун бундай лутф қилган экан: «Римда аввал йўқолиб қолиб, кейин топилиш керак».

Рим шаҳри ҳудудида энг кўп экилган ва ўзига хос салобат бағишлаб турадиган дарахт Рим қайинидир. Уларга жуда чиройли шакл берилган. 10-15 қулоч, ҳатто 20 газ баландликдаги қайиннинг тепа қисми соябонни эслатади. Унга қадар биронта новда, шох-шабба йўқ. Кўриб завқ оласиз, кўзингиз қувнайди.

Қадимий Римнинг кўчалари тор, тўрт қаватли уйлар охирги қаватининг ижара ҳақи жуда қиммат. Римликларда ўзига хос қараш мавжуд экан: «Сен мени кўрмаяпсан, мен эса тепадан туриб сени кўряпман». Хуллас, юқори қаватда яшаш обрў ҳисобланаркан. Кўҳна Римда энг баланд иморатлар 4-5 қават, холос.

Ўқувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам кўҳна Рим ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслигини ҳисобга олиб, қадимий шаҳар тўғрисида бироз маълумот беришни лозим топдик.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбекистон ва жаҳон

БЕБАҲО БОЙЛИК

Юртимиз ҳар томонлама ижобий ўзгаришлар, янгиланиш, туб ислоҳотлар даврини бошдан кечирмоқда. Моддий-иқтисодий ривожланиш билан бирга маънавий тараққиёт, илмий-маърифий юксалиш ҳукм сурмоқда. Улуғ аждодларимиз маънавий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ этиш, ёш авлод ва, умуман, бутун халқимизга яқиндан таништириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулхолиқ Ғиждувоний номлари билан илмий мактаблар очиш ҳақидаги қарори халқимизнинг қалбида миннатдорлик туйғуларини жўштириб юборди.

Нашриёт туҳфаси

Зеро, аждодларимиз бизга битмас-туганмас маданий мерос қолдириб кетган. Бу бебаҳо хазинани ўз эгалари – халқимизга етказиш зиёлиларимизнинг фарзандлик бурчидир. Республика Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда олимлар, ёзувчилар, хорижлик меҳмонлар, журналистлар Ғафур Ғулом номидаги НМИУ томонидан академик Неъматуллоҳ Иброҳимов таҳрири остида босилган “Ал-Қомус” арабча-ўзбекча энциклопедик луғат ва Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” китобларининг чоп этилиши мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа эканини алоҳида таъкидлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мана шундай кўтаринки кайфият яна бир янгилик билан зиёда бўлди: академик Неъматуллоҳ Иброҳимов таҳрири остида 100000дан ортиқ сўз ва иборани ўз ичига олган, асл манбалар асосида тузилган, “Ал-Қомус” номли тўрт жилдли арабча-ўзбекча қомусий луғатнинг биринчи жилди нашрдан чиқди.

“Ал-Қомус” луғати араб тилининг чуқур билимдонлари, кўплаб асарлар ва таржималар муаллифлари, халқаро мукофотлар совриндорлари бўлган етук мутахассислар томонидан беш йил давомида тузилган. Улар ушбу луғатни тузишда асл манба ва адабиётлар ҳамда кўплаб тадқиқотлар, энциклопедиялар, бадиий асарлар ва даврий нашрлардан фойдаланган. Луғатни тузишда муаллифлар араб тилидаги асл манбалар билан бирга арабча-инглизча, арабча-французча, арабча-русча, арабча-туркча, арабча-форсча каби турли тиллардаги таржима луғатлари, араб шеваларининг махсус луғатлари, информатика, медицина, ботаника, зоология, табиатшунослик, меъморлик каби кўплаб фан соҳаларига оид истилоҳлар луғатларидан унумли фойдаланганлар. “Ал-Қомус” луғатида ундан фойдаланишни қулайлаштириш мақсадида бир қанча янгича услубларга мурожаат этилган.

Санжар ТУРСУНОВ

НАВО КЕЛУР БОҒЛАРДАН

Ширин-ширин наво келур боғлардан,
Наво тўла ҳаво келур боғлардан.
Боғлар бағри барноларга макондир,
Қоматлари расо келур боғлардан.

Таниқли шоир Анвар Исроилов ҳаёт бўлганида айни кунларда саксон ёшга тўлган бўларди. Ўз даврида Туроб Тўла, Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Ёнғин Мирзо, Юсуф Шомансур каби қўшиқчи шоирлар сафида баракали ижод қилган Анвар Исроиловдан бир қанча шеърий китоблар мерос бўлиб қолди. Шоирнинг миллий қўшиқчилигимиз хазинасидан муносиб ўрин олган дилбар наволари ҳамон ҳофизлар тилида янграмоқда. Ватан ва баҳорни тараннум этиб, севги-муҳаббатни улуғлаб келаётган бу қўшиқлар мухлисларнинг дил мулкига айланган.

Хотира

Ўтган якшанба куни Анвар Исроиловнинг кўплаб сафдош дўстлари, ҳамкасб ва шогирдлари, мухлислар пойтахт марказидаги “Минор” қабристонида шоир қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасини ёд этишди. Таниқли шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад ва бошқа ижодкорлар Анвар Исроиловнинг дўстларга меҳри ва садоқати, инсоний фазилатлари ҳақида сўзлади. Шоир қабрига гулчамбар қўйилди.

* * *

Анвар Исроилов таваллудининг саксон йиллигига бағишланган хотира тадбири давомида шоир шеърлари асосида яратилган қўшиқлар янгради. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ва хонанда Салоҳиддин Муҳитдинов шоир ижодига мансуб қўшиқлардан ижро этишди. Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар Турсунов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, телесуҳандон Фарҳод Бобожонов ва бошқа ижодкорлар Анвар Исроиловнинг миллий қўшиқчилик санъатимиз ривожидаги хизматларини эътироф этишди.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 18 ИЮЛДАГИ “АДОЛАТ САРОЙИ” МАЖМУАСИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ Р-4997-СОН ФАРМОЙИШИГА АСОСАН ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ БИЛАН БИРГАЛИКДА АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ ВА БУЮК САРКАРДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ИЖОДИЙ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Барпо этилажак ҳайкал лойиҳаси буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темур қолдирган юксак гуманистик ғояларга ҳамоҳанг, **ёш авлод эстетик дидини юксалтириш билан бир қаторда, уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик фазилатларини шакллантирувчи,** бетакрор бадиий ечимга эга бўлиши, юксак эстетик талаб даражасида яратилиши ва бадиий ғоянинг изчиллиги таъминланиши керак.

Ижодий танловда бадиий таълим бўйича мутахассис ҳайкалтарошлар, монументал санъат соҳасида ва замонавий шаҳарсозликда ҳайкалларни ўрнатиш бўйича тажрибага эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Лойиҳа эскизларининг танловга мўлжалланган модели кўчириш ва узоқ муддат сақлашга мўлжалланган исталган материалдан тайёрланиши мумкин.

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИГАН ВАҚТ

Танловга тақдим этиладиган ҳайкал лойиҳалари 2017 йил 28 августга қадар ҳайъат аъзолари томонидан қабул қилинади.

ТАНЛОВ ҲАҚИДА ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТНИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг интернет сайтидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100029, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий кўргазмалар дирекцияси. Марказий кўргазмалар зали.

Боғланиш учун телефон рақами: 232-06-75, 256-51-45.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВА “ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 26 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛА, ОЧЕРК, БАДИАЛАРИДАН ИБОРАТ “БУГУННИНГ НАФАСИ” НОМЛИ КИТОБИНИ НАШР ЭТИШ БЎЙИЧА НАШРИЁТЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

КИТОБНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

Бичими 84+108 1\32 рангли қаттиқ муқовада, матн оқ-қора ранг ва офсет қоғозда, ҳажми 250 саҳифа. Адади 500 дона.

(16 дона фотосурат жойлаштирилади).

ТАНЛОВГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР КЎРСАТИЛИШИ ШАРТ:

1. Нашр хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома) нусхаси.
2. Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома.
3. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари.
4. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар: 239-27-88; 239-26-91; Факс: 245-66-95.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru
Котибият — 233-49-93

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИИД

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 01.45

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3533. Буюртма Г — 782. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X